



اوراق خان (رفيع الدين خان) حاجي  
شيخ نرز الله خان اوغلي

# عبرت لی حیات گلشنی




УРОҚХОН (РАФИЪИДДИНХОН) ҲОЖИ  
ШАЙХ НАРЗУЛЛАХОН УҒЛИ

# ИБРАТЛИ ҲАЁТ ГУЛШАНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АЛИШЕР НАВОИЙ  
НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎРОҚХОН (РАФИЎИДДИНХОН) ҲОЖИ  
ШАЙХ НАРЗУЛЛАХОН Ўғли

# ИБРАТЛИ ҲАЁТ ГУЛШАНИ



«Мовароуннаҳр»  
Тошкент — 2005

**Масъул муҳаррир:**

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ**

Филология фанлари доктори

**Нашрга тайёрловчи ва  
сўзбоши муаллифи:**

**Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ**

Филология фанлари номзоди

**Тақризчилар:**

**Абдулазиз МАНСУР**

Тошкент Ислом Университети  
проректори

**Усмонхон АЛЕМОВ**

Самарқанд вилоят бош имом  
хатиби

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмита руҳсати билан чоп этилди.*

Ўлкамиз азал-азалдан илмли ва маърифатли зотлар диёрдир.

Муршиди комил Шайх Нарзуллахон эшон - Ғарибий (1908-1986)  
ҳазратлари ҳам юксак илм-маърифатли ва валий зотлардан бўлганлар.

Ушбу рисолада Эшони Нарзуллахоннинг сурат ва сийратлари, ижод-  
ларидан намуналар ҳамда у киши ҳақидаги замондошларининг хоти-  
ралари ўрин олган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

«AgroPrint» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Адади 1000 дона. Буюртма № 50.

Манзил: Сирдарё вилояти, Бахт шаҳри,

Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй.

© Ўроқхон (Рафиғиддинхон) Ҳожи  
ШАЙХ НАРЗУЛЛАХОН ўғли,  
Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

*Ғарибдурман, ғарибларнинг ғариби,  
Кўзим ёши — тегиримоннинг ариғи.  
(Халқ қўшиқларидан)*

## **САДОҚАТДА КЕЧГАН УМР**

Собиқ шўролар даврининг қатағон йилларида миллатнинг гули бўлмиш не-не зиёли, маърифатпарвар кишилар йўқ қилинган. Шулар қатори эшон, мулла «тама»лари босилган аслзодалар, мударрис ва уламолар, халқни ҳақ ва ҳақиқатга бошлаган муршиди комиллар ҳам қатл этилди. Мақсад аён. Мустахлак халқни қўрқитиш, уни аслидан, тарихидан, раҳнамоларидан ажратиб манқуртга айлантириш эди. Қайсидир маънода ғанимлар, миллат сотқинлари ўз орзуларига эришдилар ҳам. Аммо зулм асосига қурилган ҳар қандай кучли салтанатнинг узок яшамаслиги қудратли собиқ Иттифоқ давлати мисолида кўзга ташланди.

Аллоҳга шукрки, улуғ юртимиз мустақиллик неъматини қўлга киритди. Бироқ, кечаётган ички ва ташқи воқеалар жараёнидан хулоса чиқариб яшаш доимий энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади....

\*\*\*

Самарқанднинг Хатирчи туманида туғилиб, Фориш туманининг Норвон қишлоғида яшаб ўтган Нарзуллахон Эшон (Ғарибий, 1908-1986) ҳазратлари ҳам даврининг ноҳақ жабру жафоларига учраб, умрининг аксар қисмини қувғинда ўтказган азиз инсондир. У зот араб, форс ва ўзбек тилларида Ғарибий тахаллуси билан ижод қилган, муршиди комилдир. У кишининг Ғарибий тахаллусини танлашларида ҳам теран рамзий маъно бор. Айниқса, ўз диёрида ғариб бўлиб, даҳрийлар ва ватанфуруш хоинларнинг исканжасидан қочиб юрган киши учун муносиб тахаллусга ўхшайди.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» аса-  
рида келтирилишича, Абулҳасан Субайҳий қуддиса  
сирруҳудан «Ғариб ким?» деб сўрашганда, қуйидаги  
жавобларни берган экан:

1. *Ғариб — ўз ватанида мусофир бўлган кишидир.*
2. *Ғариб — ўзига монанди бўлмаган киши.*
3. *Ғариб — ўзи қабила билан суҳбат қурган киши<sup>1</sup>.*

Назаримда, ҳар учала жавоб ҳам Ғарибий ҳаёти ва  
шахсиятига қайсидир маънода тааллуқлидир.

Ғарибий домла қол илмида мукаммал олим бўлиш  
билан бирга тасаввуф таълимотининг билимдони, йи-  
рик нақшбандий шайхи, юксак қол аҳли эканлиги эъти-  
роф этилган. Домла доим суннатга амал қилиб, ҳазрат  
Абдулҳолиқ Фиждувоний, Баҳоваддин Нақшбанд ва  
Хожа Аҳрори Валий каби комил инсонларнинг йўлини  
муносиб давом эттирган. Том маънода у улуғ зотлар-  
нинг илм, амал ва ихлос йўлидаги ворисларидан бўл-  
ганлар. Аллоҳ таоло у кишига юксак фаросат ва каро-  
мот бериб айрим фитналардан асраб қолганлиги ушбу  
рисолада баён қилиб берилган.

\*\*\*

Худоба шукрки, мустақиллик шарофати билан  
Ғарибий домла каби улуғ зотларнинг бугунги кунда  
номларини эҳтиром билан эслай бошладик. Улар ҳа-  
қида кўрган, билганларимизни ёзиб, ёшларга ибрат  
қилиб кўрсатмоқдамиз. Зотан улуғларни эслаш Аллоҳ-  
нинг раҳматини нозил бўлишига сабаб бўлади. Ик-  
кинчи томондан, улар руҳини шод этамиз. Бошқа то-  
мондан эса, Аллоҳ дўстларини ўз вақтида қадрига ет-  
маганимиз, уларга қўнғилдагидек хизмат этмаганимиз  
учун афсус қиламиз.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик,  
17 — жилд. Тошкент. «Фан» нашриёти. 2001й, 114 — бет.

Биз Ғарибий домла каби минглаб олим ва муршидларнинг ўз юртида ғариб бўлиб умр ўтказгани ёки бутунлай йўқ қилиниб юборилганини эслаб ўтмоқдамиз. Ўз имон эътиқодини, жонини асраш учун хорижга ҳижрат қилган минглаб ватандошларимиз тақдирини ҳам бир эслаб кўрсак, қатағон йилларидаги зулмнинг нақадар аёвсиз эканлигини юрак-юракдан ҳис этамиз. Кўз очиб юмгунча ўтадиган инсон умрининг бу қадар сир-синоатларга, турфа ҳодисотларга бойлигидан ҳайратга тушамиз. Илоҳо, фарзандларимизнинг оқибатини хайрли қил, дея Яратгандан илтижо қилиб сўраймиз.

\*\*\*

Ғарибий домланинг ҳаётий фаолиятлари, гўзал сийратлари, намунали хулқлари қанчалик ибратли бўлса, у кишининг ёзиб қолдирган илмий, адабий ва маърифий асарлари ҳам шу қадар қимматли ва ҳикматлидир. Домла салоҳиятли шоир сифатида ғазал, мухаммас, мувашшах, таърих, қитъа, рубоий каби жанрларда муваффақиятли ижод қилганлар. Айниқса, Жомий, Навоий ва Ҳазиний каби етук шоирлар ғазалларига боғлаган мухаммаслари нозик шоирона дид соҳиби эканликларидан далолат беради.

Домланинг тавҳид ҳақидаги манзумалари, Усмон Ўшийнинг арабча «Омолий» қасидасини шеърий тилда маҳорат билан таржима қилганликлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Биринчидан, домла исломий илмнинг энг муҳим соҳаси — ақида илмига диққатни жалб этиб, толиби илмларни шу соҳадан яхши жабардор бўлишга чақирганлар. Сўфи Аллоҳёр айтганларидек:

*Ақида билмаган шайтона элгур,  
Агар минг йил ибодат қилса елгур.*

Иккинчидан, Ғарибий ҳазратлари «Омолий» қасидасини машҳур ва зарурлигини инобатга олиб, шеърий

тилда санъаткорлик билан ўзбекчага ўгирганлар. Чунки бу қасидани шарҳлаб, оммабон ва жарангдор тил билан ўзбекчага таржима қилиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Домланинг тавҳид ҳақидаги манзумаси ҳамда «Омолий» қасидасининг шеърӣ таржимаси мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилса айни муддао бўларди. Зеро, ўз юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарларини толиби илмларимизга етказиш уларни ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялаш омилларидан биридир.

Ғарибий домланинг насиҳатнома руҳидаги шеърлари ҳам алоҳида эътиборга эга. Бугунги ёш авлодни ҳалоллик ва дину диёнатга даъват қилишда бундай шеърларнинг самарали таъсир этиши айни ҳақиқатдир.

\*\*\*

Улуғ зотлар, валий инсонлар ҳақида ёзиш осон эмас. Улар ҳақида бир нималар ёзсак ҳам, том маънодаги сийратлари, ботиний ҳолатлари ҳамиша сирли бўлиб қолаверади. Шунинг учун бўлса керак, баъзи манбаларда, валийларнинг ҳақиқий даражалари охиратда билинади, деб айтилган. Бироқ тарихий манбалардан аёнки, валий зотлар ҳақида тазкиралар ва маноқиблар ёзиб келинган. Бундан буён ҳам ёзилаверади. Солиқлар, тариқат йўлчилари учун айнан ана ўша манбалар маънавий озуқа булоғи бўлиб қолаверади. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»<sup>2</sup> асарини ўқисангиз, ҳар бир шайхнинг ўзига хос ва мос илми, даражаси ва сир дунёси борлигига амин бўласиз. Тасаввуф ҳақида айтиб кетган ҳикматли сўзлари мурид ва мухлисларни ҳамиша тафаккур ва мушоҳадага ундаб туради. Валий зотлар ортиқча таъриф-тавсифга муҳтож бўлмасалар-да, аммо улар ҳақида эҳтиётроқ бўлиб фикр билдириш фойдадан холи эмас...

<sup>2</sup> Мазкур асар.

\*\*\*

Азиз бир инсон қариндошинг ё яқинларингдан бўлса, шубҳасиз сенда ундай кишиларни яқиндан билиш имкони туғилади. Ёшлиқдан кўнглинг улардаги яхши фазилатларни сезгандек бўлади. Аммо негадир истиҳола ё тажрибасизлик қилиб, улар ҳақида бир нималар ёзишга журъат қилмайсан. Лекин вақт ўтиб бориши билан улғая борасан ва сенга яқин ва азиз бўлган инсоннинг ганиматлиги ва унинг сирли жиҳатларини кашф қила бошлайсан. Бундай кишининг ҳаётига узоқ умрлик тажрибангдан келиб чиққан ҳолда назар соласан. Шунда безовта қилган фикрлар, илоҳий туйғулар сени улар ҳақида бир нималар ёзишга ундайди. Ёзганда фойдаси бўладиган жиҳатларни ўйлаб астойдил ишга киришасан.

Ушбу рисола ҳам ана шундай туйғу ва жараёнлар асосида Ғарибий домланинг фарзанди аржумандлари Ўроқхон (асли исмлари Рафиъиддинхон) Ҳожи ҳанафий, нақшбандий томонидан ёзилган ва хайрли бир иш сифатида амалга оширилган. Муаллиф — тиббиёт фанлари номзоди. Узоқ йиллар оталарининг ҳаётларини кузатиб, у киши ҳақидаги ишончли нақду хотираларни йиғиб жамлаган. Йўл-йўлакай воқеаларга ўз муносабатини билдириб ўтган. Оталарининг ҳақиқий олимона фазилатларини ва муршиди комилга хос бўлган ҳол ва ахлоқларини чиройли баён қилиб берган. Келтирилган ҳар бир воқеа замирида қиссадан ҳисса бор.

Ғарибий домла ижодидан илова қилинган намуналар ҳам китобхонга домла ижоди ҳақида маълум бир тасаввур уйғотади. Ўқувчига маънавий озуқа ва руҳий лаззат бахш этади.

Камина Ўроқхон (Рафиъиддинхон) Ҳожи билан суҳбатлашганимда форсча бир байт ёдимга тушди:

*Пагар нуру писар нур аст машхур,  
Аз инжо фаҳм кун нуран ало нур.*

Яъни, ота нуру, ўғил ҳам машхур нурдир, шу ўринда «Нур устига нур» сўзини идрок қилгин... Дарҳақиқат, Ўроқхон Ҳожи жанобларига падари бузрукворларидан илм, эътиқод, ҳалоллик ва тариқат илми мерос бўлиб ўтганлиги сўз ва ҳаракатларидан аён бўлиб турибди. У киши ёзувчилик даъво қилмайди ва ёзган рисоласининг хайрли ва кимлар учундир ибратли жиҳати билан манзур бўлишидан умид қилиб қолади.

Илова қилинган шеърлар савоб ва маърифат йўлидаги хайрли уринишлардан бири бўлган. Матнларни тўғри ўқиш ва унга луғат тузишда Шайх Нарзуллахоннинг бошқа бир забардаст олим ўғиллари Абдувоҳидхон яқиндан ёрдам берган. Камина ҳам қўлимдан келганча ушбу китобнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшганимдан бахтиёрман. Келгусида Ғарибий домладан қолган маънавий меросни нашрга тайёрлаб халққа тақдим қилиш ниятимиз бор. (Аллоҳ муваффақ айласин!)

\*\*\*

Ҳамиша эзгулик, дин-диёнат йўлида умргузаронлик қилган Шайх Ғарибий домланинг охиратларини Аллоҳ обод айласин. Аллоҳ ризолиги йўлида неки ёзиб мерос қолдирган бўлсалар, домланинг номаи аъмолларига садакаи жория сифатида барқарору бардавом бўлсин. Ушбу рисолаи ёзган, ўқиган ва нашр этганларга ажри азим, дунё ва охират саодатини тилаб қоламиз.

**Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ**  
**Филология фанлари номзоди,**  
**Халқаро Аҳмад Яссавий**  
**мукофотининг соҳиби**



хушмуомалалик қилар эдилар. Уйда ҳамма вақт меҳмонга дастурхонда дуо қилдиар эдилар.

Падари бузрукворимизни хулқлари ҳалим, суҳбатлари ширин эди. Баъзи бир қийин шаръий масалаларни сўраш учун келган муллалар икки-уч кунлаб меҳмонхонада қолиб кетишар эди. Шунда масала талашиб-тортишган мулла ё қориларга даб-дурустан сизники тўғри ёки нотўғри, деб жавоб бермас эдилар.

Бу ҳақда бир воқеа. Мен Самарқанд тиббиёт институтининг 4-курс толибиман. 1965 йил ёзги таътил ойлари эди. Уйимизга Хатирчи туманидан бир мулла, Каттақўрғон туманидан бир қори бобо келдилар. Улар меҳмонхонага кириб ўтириб, саломалиқдан кейин ҳалиги қори бобо бир оз тажангроқ экан, отамга қараб: «Тақсир мана бу (сенсираб) ёнидаги муллани кўрсатиб, мана бу масалани бундай дейди, мен эса ундай эмас, мана бундай дейман» - деб жоҳилона лутф қилади. Қиблагоҳимиз «Қори ака» чой-нонга қаранг, бафуржа гаплашамиз, дейдилар. Меҳмонхонада улардан бошқа меҳмонлар ҳам бор эди. Шу орада меҳмонларга ош тортилди. Олдин келган меҳмонлар кетди. Қиблагоҳимиз ҳалиги қори бобонинг безовта бўлаётганини сезиб менга: «Боринг, ичкари уйдан токчадаги китобни келтиринг, дедилар. Мен айтган китобларини келтирдим. Қандай китоб эканлиги ёдимда йўқ. Қиблагоҳимиз китобни масала ечиладиган бетини топиб, «Қори бобо»га узатдилар. У киши ўқийверди, отам шарҳлаб беравердилар. Бир жойга етганда масала ечилди. Шунда аниқ бўлдики, Мулла бобо айтгани тўғри экан, Қори бобо хато қилган экан.

Масала ечилгандан кейин Қори бобо тўрда ўтир-

ган жойидан туриб, дарҳол Мулла бобони қучоқлаб, «тақсир мени кечиринг», деб отамдан ҳам кечирим сўради ва ўзининг жойига мулла бобони ўтқазди. Ушбу воқеа яхшилаб таҳлил қилинса маълум бўладиким, қиблагоҳимиз шунчалик камтар эдиларки, қайси жавоб тўғрилигини билган ҳолларида китобни олдириб келтириб, Қори бобонинг қўлига бериб, ўзларига ўқитиб, кимники тўғрилигини одоб билан аниқлаб берганлар.

Энди қори ва мулла боболарга келсак, қарангки бир масала устида тортишиб қолиб, уни ечиш ҳамда қиблагоҳимизни бир йўла зиёрат қилиш учун қанча йўл босиб келганлар. У вақтларда (1965 йиллар) қишлоғимизга келиш учун аксарият кишилар аввал «Қўй-тош»га келиб, ундан от-улов билан бизникига келар эдилар. Илмнинг ҳурмати шу қадар улуғ бўлган. Иккинчидан, «масала» ечилгандан кейин қорибобо жойидан туриб, кечирим сўраб, мулла бобони ўз жойига ўтқазди. Ана ҳурмат, ана сизга шарқона, миллий одоб!

Кечирасизлар-у, ҳозирги вақтда баъзан бирор йиғилиш ёки конференция бўлса, баъзи бир мутасадди кишилар йиғилишга яхшилаб тайёрланмайди. Маъруза тингловчиларни қўяверинг, масала таллашиш у ёқда турсин. Ёки сеники нотўғри деса, ўтирган ўрнини бўшатиб бериб, кечирим сўраш у ёқда турсин, баъзан қанча вақт гаплашмай гина сақлаб юрадиганлари ҳам йўқ эмас.

### МУРУВВАТЛАРИ ҲАҚИДА

Мурувватли бўлиш инсонга хос фазилатлардан бўлиб, бундай савоб ишни қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Биз ёш бола эдик.

Отам камбағал болаларни кўриб қолсалар, дарҳол ёрдам беришга, ундаги маҳзунликни кеткизишга интилар эдилар.

Эсимда, 50-йиллар атрофида қаҳатчилик бўлса керак, қаровчиси йўқ етим болаларни уйимизга олиб келар эдилар. Уларни бу аҳволда кўрган қиблагоҳимиз ўзлари қувғинда бўлсаларда ёрдам беришга шошилар, уларга бирон нарса илинар ва кийимсиз юпун ҳолда қўймас эдилар. У киши борини баҳам кўрар, бироз улғайиб, токи ўзлари ишлайдиган, нон топадиган ҳолга келганларидан кейин қишлоқ оқсоқоли ёки яқин қариндошларига топширар эдилар. Баъзилари ўша кунларни эслаб: «Ўша вақтда Эшон бобомнинг ғамхўрликлари бўлмаганда биз нима бўлар эдик», - деб қиблагоҳимизни ҳақларига дуои хайр қилганларига кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Айримлари баджаҳл ва қўпол бўлсаям, биров гапирса ёки хафа қилса отамиз: «уларни хафа қилмангизлар гуноҳ бўлади», - деб уришмас эдилар. У вақтларда биз бола бўлганмиз, кўп нарсани тушунмаганмиз. Энди ўзимиз ота бўлиб, қиблагоҳимиз етим-сағирларнинг бошларини силаб, ғамхўрлик қилганларини тушуна бошладик ва бу ишнинг Аллоҳ ҳузуридаги савоби қанчалик улуғ эканини энди англаб етаяпмиз. Бу ҳақда кейинги саҳифаларда Абдиманнон ака ҳикоясини келтираимиз.

### САХОВАТЛАРИ ҲАҚИДА

Саховатли киши бировга яхшилик қилганда ҳеч қачон миннат қилмаслиги керак. Бу хислат иймон-этиқодли кишиларда кўп учрайди. Зеро, шайтонни, нафсни енгиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмас экан. Бу хислат бой ёки камбағал деб танлаб ўтир-

мас экан. Қиблагоҳимиз ҳар замон бизга: «Болаларим, ҳар доим дастурхонингиз очиқ бўлсин, бирор киши муҳтож бўлиб келса, қуруқ қайтарманг, бевабечора, сағир-етимларга ҳар доим ғамхўрлик қилинг, қўли очиқ бўлинг. Чунки бу саховатни ўрнини ҳеч нарса босмайди», - дея насиҳат қилардилар.

Отамиз бозор ёки магазинга бориб савдо қилганларини эслай олмайман. Бизлар ёш вақтимизда бозор-учар ишларини кичик амакимиз (Оппоқхон эшон бобо) қилганлар. У киши уйланиб рўзғори ажралгандан кейин савдо-сотик ишларимизни кўпинча Асрор ака ва Акрам ака Истамов деган кишилар қилишар эдилар. Ҳозир у кишилар ҳаёт эмас. У кишилар бир нарсани бозорга сотиб, бир нарса олиб келсалар, тийинигача ҳисоблаб қайтимини отамга берар эдилар. Отам эса қўлларига олиб энди буёғи бизники бўлди, мана буни олинг, Асрорбой ёки мулла Акрам (ўқитувчи эди) биздан сизга ҳадя, деб қайтариб берар эдилар. Ундан ташқари ким эшигимиздан бир нарса ёки пул қарз сўраб келса ноумид қайтармасдилар. Агар бир кишига пул қарз берсалар, уни орқасини суриштирмас эдилар. Қачон топса олиб келар эдилар, ўшанда ҳам қарздор аҳволи ноҷорроқ кўринса, қарзни қўлидан олиб, бир қисмини унга биздан сизга ёрдам, деб қайтиб берар эдилар. Бизларнинг бу ишга ақлимиз ета бошлаганидан кейин энди ўзларинг қилинглари деб ҳисоб-китобни бизга топширдилар.

Менга кейинчалик Булишев Эломон (нарвонлик), гапдан гап чиқиб, отамизни эслаб бир воқеани айтиб берди. Булиш бобо 60-йиллари катта Эшон бобоникига қарзга пул сўраб боради. Меҳмонхона тўла меҳмон экан. Улар билан бирга ош ейди. Эшон бободан

пул сўрашга уялиб айтолмасдан чиқиб кетаётганида Эшон бобо: «Тўхтанг, Булиш бой, сиз қарзга пул сўраш учун келган эдингиз-ку, мана пул, ишлатиб туринг, топганда берасиз», - деб киссаларидан пул узатадилар. Булиш бобо у кишининг фаҳм-фаросатига ҳайрон бўлиб, чиқиб кетган экан.

У киши ҳадя ёки назр-ниёз, қўй-эчкиларни ҳеч қачон ўзига олиб қолмас, бу ёқдан келар, бу ёқдан кетар эди. Меҳмонлардан ташқари ҳовлида юрадиган қанча қишлоқ аҳли ҳам бундан баҳраманд бўлишар экан. Бир оқсоқол 60-йиллари нон чучук замони, «биз қачон рўза келар», - деб кутар эдик, дея ҳикоя қилади. Чунки рўзада ҳар куни таровех ўқиш ва оғиз очишга Эшон бобоникига боришар экан. Ўша жойдан қоринни туйдириб, хурсанд бўлиб қайтар эканлар. Бизникига кўпинча ҳамсоя аёллар ҳам товоқ кўтариб, онамиздан у бериб туринг, бу бериб туринг, деб келар эдилар. Берилган нарса ҳеч қачон қарзга берилмаган. Отам ҳам, онам ҳам: «Болалар ҳақиқа дуо қилсангизлар бас», - деб халқ дуосини олганлар, холос. У кишининг ана шу хислатлари бир умр сақланиб қолди, қишлоқ аҳли у кишидан ҳар доим миннатдор бўлишган.

### МЕҲРИБОНЧИЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Падали бузрукворимиз опа-сингиллари, укалари, аёллари, болалари ва бошқа қариндошларга меҳрибон бўлганлар. У кишининг бир опа ва бир сингиллари бор эди. Улар биздан анча узоқда яшар эди. Албатта ҳар йили қанда қилмасдан бир-икки марта хабар олиб, ёрдам керак бўлса, ёрдам ҳам қилардилар. 50-60 йиллари бориб-келиш қийинчилигидан хабар олиш осон эмас эди. Баъзан от-уловда 8-10

кун йўл юриб бориларди. Агар бирор маърака ёки тўй бўлса, бир-бир ярим ой бурун хабарга одам юборар эдилар. Ўша вақтларда қишлоғимизда бирорта машина йўқ эди. Аммо меҳр-оқибат кўтарилмаган бўлса, бунга йўл узоқлиги баҳона бўлолмас экан. Отамиз шунга қаттиқ эътибор берар ва аммаларимизни чақиртирар эдилар.

Мабодо қариндошлар ўртасига араз ё гина-кудурат аралашгани қулоқларига етса, дарҳол амаки-мизни ва оқсоқол кишиларни чақириб, боринг, уришганларни яраштиринг, дер эдилар. Агар бу гапга кўнишмаса, аста ўзлари олдиларига чақириб, чиройли қилиб яраштириб қўяр эдилар. Чунки қишлоғимизда ҳеч ким у кишининг гапларини ташламас эди. Ярашмасликка илож қолдирмасдилар. Шунинг учун ҳам оқсоқоллар ўртага тушса, буни билганлар дарҳол ярашиб оларди. Агар ярашмасак, барибир катта Эшон бобо чақиради, у кишини олдига бориб уялиб тургандан кўра ярашиб қўя қолайлик, деб ярашар эдилар. Ўша вақтдаги иймон-этиқод, иззат-ҳурматни қаранг.

Энди у вақтдаги оқсоқоллар дунёдан ўтиб кетишди. Ҳозирги Норвон қишлоқда ҳар йили камидан икки-уч киши бир-биридан аразлайди. Қани энди яраштирадиган олдинги оқсоқолу катта Эшон бободек зотлар. Ана сизга меҳр-оқибат, ана меҳрибонлик, ана одамгарчилик, ана миллий қадрият. Зеро, ул зотлар фақат дин-диёнатга суяниб иш тутганлар. Бир-бирларига кечиримли, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишган. Эндиги замонда ундай зотлар ҳам йўқ, ундай меҳр-оқибат ҳам қолмади. Ҳозирги ёшлар тарбиясида халқимизнинг ана шундай хулқ-одобларини шакллантирсак, маънавиятимиз янаям

бойиган бўларди. Оқсоқол кишининг гапи гап, сўзи сўз бўлган. Ҳеч ким унга қаршилиқ қилмаган. Ана шундай хислатларни куртак ёздириш бугунги кунда сув ва ҳаводек зарур.

### АЛЛОҲГА ЯҚИНЛИК ҲАҚИДА

Дарҳақиқат, улуғ зотлар Аллоҳга яқин бўладилар, шу боисдан уларнинг дуолари ҳам мустажоб бўлади. Ҳазрат Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Жаноб Расули акрам (с.а.в.) дебдурлар: «Батаҳқиқ, Аллоҳ таоло: «Ким менинг дўстимга душманлик қилса, мен унга уруш эълон қилурман ва бандам менга фарз амаллар ила яқинлик қилса, бу менга шу қадар маҳбубдирки, бошқа амаллар ила қилган яқинлиги бундай бўла олмас ва бандам менга нафллар ила яқин бўлиб борур, бора-бора шундай мақомга етурки, мен уни яхши кўриб қолурман ва қачон мен уни яхши кўрсам, ул ҳолда, мен унинг эшитадурғон қулоғи ва кўрадургон кўзи ва тутадурғон қўли ва юрадурғон оёғи бўлурман ва нимани сўраса берурман ва нимани паноҳ этилса, паноҳимга олурман». Бухорий (Риёз ус-солиҳин, 78-бет).

Қиблагоҳимиз бир умр Аллоҳнинг фарз амалларини бажариш билан бир қаторда кўплаб нафл ибодатларни ҳам адо этардилар. Шу жумладан, нафл намозу-рузалар, қўшимча вирдлар (вазифалар), кунлик Қуръон тиловати, пайғамбаримизга саватлар китоби бўлган «Далойили Хайрот»ни ўқиш вазифаси, тунги таҳажжуд намозлари, эрталабки бомдоддан кейин ўқиладиган «Авроди фатҳия» каби «Нақшбандия» сулуки вазифаларини ихлос билан бажариб Аллоҳга яқинлашган бўлсалар ажаб эмас.

Дунёвий ишлар билан шуғулланмасдилар, бозорга боришни ёқтирмаганлар. Қиблагоҳимиз ҳар доим бизларга: «Мен дунё иши билан шуғулланмадим, қийналдим, сизлар эса дунё ишлари билан шуғулландинг, касб ўрганинг, ўқинг ва ҳалол яшанглар», - деб насиҳат қилар эдилар.

У кишининг олдиларига ихлосмандлари зиёратга келишар ёки маърака бўлса маъракадан олдин олиб кетиб, яна олиб келиб қўяр эдилар. Бойлик йиққан эмас, камтарона ҳаёт кечирдилар. Қуйидаги бобларда замондошлари хотираларида сақланиб қолган айрим воқеалар тафсилотларини сизларга ҳам раво кўришни маъқул топдик.

### **НИМА УЧУН «ИНДАМАС ЭШОН БОБО» ДЕГАНЛАР?**

Айтишларича, қиблагоҳимиз боболари Эшони Жалолиддинхон (лақаблари Индамас Эшон бобо) чамаси уч-тўрт ёшларида оталари меҳмонхонада кўпчилик жамоат бўлиб пешин намозини ўқиётганларида ўзлари қатори болалар билан ўйнаб келиб пойгақда турган калишларни икки томон - буниси «жаннати», буниси «дўзахи» деб ажрата бошлайди. Шунда оталари намоз суннатини ўқиб бўлиб «Жим бўлинг», - деб танбеҳ беради. Шу сабабли шу вақтдан бошлаб гап сўраса жавоб берганлар, бўлмаса индамай юрганлар. Шунинг учун катта бобомиз «Индамас Эшон бобо» деган лақаб олганлар.

Амаким Махсум бобонинг айтишларича, бир куни Индамас Эшон бобо намоз ўқиётиб дуога қўл очишдан олдин бир қўлини кўтариб анча вақт туриб қолибди. Дуо қилиб бўлганларидан кейин қавмларидан бири: «Тақсир, нима учун узоқ вақт бир

Тўғри, у пайтларда бировга дин тўғрисида сўз очиш жуда нозик масала бўлган. Чунки у киши ҳақ гапни айтишдан қўрқмасалар ҳам эҳтиёткорлик қилар эдилар. Ўта камтар эдилар, Кийинишлари оддий, содда ва фақирона эди. Бизларни ҳам шундай бўлишга даъват этар эдилар.

Ёшлигимизда агар бирор янги кийим олиб берсалар, бир кун кийдириб кейин олдириб қўйганларини эслайман. Қачонки устимиздаги кийимни бироз кийгандан кейин ечиб олиб, бева-бечора, етимларга ҳалиги кийимни кийдирар эдилар. Ҳеч қачон икки-учта янги кийимимиз бўлмаган. Бунга йўл қўймас эдилар. Гоҳида бизларга: «Фалончини болаларига қаранг, устида қандай кийими бор. Сиз янги кийим кийаверсангиз улар: «Бизни янги кийимимиз йўқ, иложи бўлганда отамиз олиб берар эди», дея ўкинадилар», - деб айтар эдилар.

### ВЕЛОСИПЕД ВОҚЕАСИ

Болалигимдаги бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди, у пайт 10-11 ёшларда эдим. «Қўйтош» кони шаҳарчасига яқин қишлоқ (Норвон)да яшар эдик. «Қўйтош»да қрим татарлар, руслар ва бошқа ҳар хил миллатга мансуб кишилар яшар эди. Ўша вақтда у ердаги болалар велосипед миниб юрганини кўриб қизиқиб қолдим. Бозордан келиб онамга: «Менга ҳам велосипед олиб берингизлар, «Қўйтош»даги болалар миниб юрибди», - дедим. Биз отам билан тўғридан-тўғри гаплашолмас эдик. Ҳатто катта киши бўлганимда ҳам отам билан у олиб беринг, бунини олиб беринг, ёки у нарса ундай, бу нарса бундай деб юзма-юз гаплашмаганман. Ота-онамиз бизни шу руҳда тарбия қилганлар. Шунда отам «йўқ», деб

рад этибдилар. Шундан кейин мен бироз хафа бўлиб, «энди ўзим ишлаб пул топаман, кейин велосипед сотиб оламан», деб аҳд қилдим. Қишлоқдаги ҳамсояларимиз даладан «оқ қуврай» ўриб, уни сотиб, чой-чақа қилар эдилар. Уни бир боғи арзимас пул турарди. Бола эмасманми, мен ҳар куни ўрадиган уч-тўрт боғ «оқ қуврай»нинг пулига ўн йилда ҳам велосипед олиб бўлмас экан. Ўша вақтда бир боғ «оқ қуврай» чамаси 10-20 тийин турса, велосипед 500-600 сўм турар эди. Шундай қилиб уч-тўрт кун далага ёзги таътил вақти «оқ қуврай» ўриш учун кетганман. Бир кун отам онамдан: «Рафийиддинхон қани?», - деб сўрабдилар. Шунда онам: «Ўғлингиз ҳамсоялар билан «оқ қуврай» ўришга чиқаяпти, велосипед олар эмиш», - дептилар.

Отам бош фарзандлари бўлганим учун бўлса керак, онамга: «Айтинг, қийналади, энди бормасин. Майли велосипед олиб берамиз» - дептилар. Онам бу гапни айтганларида жуда қувондим. Шундан кейин тўрт-беш қўй-эчкиларни сотиб велосипед олиб бердилар. Велосипед сотиб олинган кун арафасида «Челак»дан меҳмонлар келишди.

Отам меҳмонлардан Алихўжа эшонбобога айтибдилар: «Сиз Ўроқхонни олиб кетинг, бироз қидириб, томоша қилиб келсин». Мени жўнатиб юбориб, сотиб олинган велосипедни дарҳол соттириб юборибдилар.

Уйга келсам велосипед йўқ. Энди йиғлаб, жанжал қилишни кўринг. Шунда ҳам ҳамма гапни онамга айтганман (отамга гапира олмасдим). Отам мени ёнларига чақириб дедилар: «Айтинг фалончи раисни, фалончи магазинчини, фалончи «бой бобони» болаларида велосипед борми?». Мен чурқ этмадим. Шунда отам: - «Фалончи, фалончиларни болалари

сиз билан ўқийдими?». Ҳа ўқийди, дедим. Уларнинг аҳволига қаранг, кийинишига қаранг, юриш-туришига қаранг. Сиз велосипед минсангиз, ҳа фалончилар бойда, эшонбобода, уларнинг ҳамма нарсаси бор, велосипед миниб юрибди деб, ўқсинишмайди-ми? Шунинг учун, болам, мени тўғри тушунинг, сизни хафа қилгим йўқ. Лекин ноиложман. Сиз яхши ўқинг, маълумотли бўлинг. Ҳали катта-катта ўқишларда ўқийсиз, катта-катта ишларда ишлайсиз. Ўшанда кўп қатори сизларда ҳам ҳамма нарса бўлади», - деб юпатиб чиқариб юбордилар. Шу орада икки-уч йил ўтди, мактабда 7-синфни битириб, Самарқандга ўқишга кетдик. Велосипед ҳам ёддан чиқиб, бошқа бу мавзуга қайтмадик.

### ШУҲРАТПАРАСТЛИК ҲАҚИДА

Отам шуҳратни ёмон кўрар эдилар. «Шуҳрат - офат», - дер эдилар. Бир воқеа ёдимда ўрнашиб қолган. Бир куни катта амаким (Офтобхон эшон бобо) мени чақариб уришдилар. Маъниси шуки, у киши «отбоз» (отни яхши кўрар) эдилар. Бир яхши отнинг боласини тарбиялаганларида, яхши, «номдор от» бўлганлиги отамизнинг қулоқларига етибди. У кишининг бир тойчоқни парваришлаб юрганини отам эшитиб қолибди. Амаким узоқроқ жойга меҳмонга кетганларида бир кишини чақариб «зотдор от» ни бериб юборибдилар. «Олиб кетаверинг, бир нарса бериб Эшон бобонгизни рози қиларсиз», - дебдилар. Амаким уйга келсалар от йўқ. Сўрасалар ҳалиги гап. Амаким отамга бир нарса айтаолмай, мени уришган эканлар.

Эсимда, моддий имкониятимиз бўлишига қарамасдан қишлоғимиз одамларининг 50-60 фоизи уйи-

ни шиферлагандан кейин биз уйимизни шиферлаганмиз. Отамиз ўша пайтлар уйни шиферлашни ҳам шуҳратпарастлик деб, одамлардан ортиқроқ бўлишга йўл қўймас эдилар.

### КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Отам бизларни ҳам, бошқаларни ҳам ҳеч қачон уришмаганлар. Айтиш керакки, раҳматли онамиз қаттиққўл, талабчан эдилар. Отамнинг олдида кўп-ларни суст босиб қоларди, зарур бўлмаса ҳамма ҳам яқин ўтириб суҳбат қилавермас эди.

Албатта, бу одоб юзасидан бўлса керак, у кишига бўлган ҳурмат-эҳтиромни бугунги кунда истеъфодаги полковник Турсунбек Раҳмонов (ҳозир Янги ер шаҳрида яшайди) ўзининг «Адолатли умр лаҳзалари» номли китобида шундай эслайди: «Шахсан менинг катта Эшон боболарга (ҳурмат юзасидан исмларини айтишмаган) ҳурматим ва ихлосим жуда баланд бўлган. У кишининг суҳбатларида кўп бўлганман. Зиёратга боришдан олдин албатта, ҳаммомга тушиб, иложи борича тоза кийиниб олар эдим. Албатта, биз у пайтларда ҳар замонда ичганмиз. Лекин у киши олдида боришдан олдин икки-уч кун ичмай, кейин борилар эди. Бу билан мен у кишини алдамоқчи эмас, балки у кишини покиза инсон деб билганимиздан шундай қилганмиз», - деб ёзади.

Яна бир камтарлик белгиси шуки, у киши меҳмонга борганларида ҳеч қачон тўрга чиқиб ўтирмас эдилар. Ҳамма вақт чеккада ёки ёнбошда ўтирар эдилар. Агар меҳмон келса, ўзлари тез-тез кириб-чиқиб меҳмонни яхшироқ кутиб олиш учун безовта бўлар эдилар. Меҳмон ким бўлишидан қатъий назар унга бирдек илтифот ва эътибор қилиб, барчага баробар

хушмуомалалик қилар эдилар. Уйда ҳамма вақт меҳмонга дастурхонда дуо қилдирар эдилар.

Падари бузрукворимизни хулқлари ҳалим, суҳбатлари ширин эди. Баъзи бир қийин шаръий масалаларни сўраш учун келган мулалар икки-уч кунлаб меҳмонхонада қолиб кетишар эди. Шунда масала талашиб-тортишган мулла ё қориларга дабдурустдан сизники тўғри ёки нотўғри, деб жавоб бермас эдилар.

Бу ҳақда бир воқеа. Мен Самарқанд тиббиёт институтининг 4-курс толибиман. 1965 йил ёзги таътил ойлари эди. Уйимизга Хатирчи туманидан бир мулла, Каттақўрғон туманидан бир қори бобо келдилар. Улар меҳмонхонага кириб ўтириб, саломалиқдан кейин ҳалиги қори бобо бир оз тажангроқ экан, отамга қараб: «Тақсир мана бу (сенсираб) ёнидаги муллани кўрсатиб, мана бу масалани бундай дейди, мен эса ундай эмас, мана бундай дейман» - деб жоҳилона лутф қилади. Қиблагоҳимиз «Қори ака» чой-нонга қаранг, бафуржа гаплашамиз, дейдилар. Меҳмонхонада улардан бошқа меҳмонлар ҳам бор эди. Шу орада меҳмонларга ош тортилди. Олдин келган меҳмонлар кетди. Қиблагоҳимиз ҳалиги қори бобонинг безовта бўлаётганини сезиб менга: «Боринг, ичкари уйдан токчадаги китобни келтиринг, дедилар. Мен айтган китобларини келтирдим. Қандай китоб эканлиги ёдимда йўқ. Қиблагоҳимиз китобни масала ечиладиган бетини топиб, «Қори бобо»га узатдилар. У киши ўқийверди, отам шарҳлаб беравердилар. Бир жойга етганда масала ечилди. Шунда аниқ бўлдики, Мулла бобо айтгани тўғри экан, Қори бобо ҳато қилган экан.

Масала ечилгандан кейин Қори бобо тўрда ўтир-

ган жойидан туриб, дарҳол Мулла бобони қучоқлаб, «тақсир мени кечиринг», деб отамдан ҳам кечирим сўради ва ўзининг жойига мулла бобони ўтқазди. Ушбу воқеа яхшилаб таҳлил қилинса маълум бўладики, қиблагоҳимиз шунчалик камтар эдиларки, қайси жавоб тўғрилигини билган ҳолларида китобни олдириб келтириб, Қори бобонинг қўлига бериб, ўзларига ўқитиб, кимники тўғрилигини одоб билан аниқлаб берганлар.

Энди қори ва мулла боболарга келсак, қарангки бир масала устида тортишиб қолиб, уни ечиш ҳамда қиблагоҳимизни бир йўла зиёрат қилиш учун қанча йўл босиб келганлар. У вақтларда (1965 йиллар) қишлоғимизга келиш учун аксарият кишилар аввал «Қўй-тош»га келиб, ундан от-улов билан бизникига келар эдилар. Илмнинг ҳурмати шу қадар улуғ бўлган. Иккинчидан, «масала» ечилгандан кейин қорибобо жойидан туриб, кечирим сўраб, мулла бобони ўз жойига ўтқазди. Ана ҳурмат, ана сизга шарқона, миллий одоб!

Кечирасизлар-у, ҳозирги вақтда баъзан бирор йиғилиш ёки конференция бўлса, баъзи бир мутасадди кишилар йиғилишга яхшилаб тайёрланмайди. Маъруза тингловчиларни қўяверинг, масала таллашиб у ёқда турсин. Ёки сеники нотўғри деса, ўтирган ўрнини бўшатиб бериб, кечирим сўраш у ёқда турсин, баъзан қанча вақт гаплашмай гина сақлаб юрадиганлари ҳам йўқ эмас.

### МУРУВВАТЛАРИ ҲАҚИДА

Мурувватли бўлиш инсонга хос фазилатлардан бўлиб, бундай савоб ишни қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Биз ёш бола эдик.

Отам камбағал болаларни кўриб қолсалар, дарҳол ёрдам беришга, ундаги маҳзунликни кеткизишга интилар эдилар.

Эсимда, 50-йиллар атрофида қаҳатчилик бўлса керак, қаровчиси йўқ етим болаларни уйимизга олиб келар эдилар. Уларни бу аҳволда кўрган қиблагоҳимиз ўзлари қувғинда бўлсаларда ёрдам беришга шошилар, уларга бирон нарса илинар ва кийимсиз юпун ҳолда қўймас эдилар. У киши борини баҳам кўрар, бироз улғайиб, токи ўзлари ишлайдиган, нон топадиган ҳолга келганларидан кейин қишлоқ оқсоқоли ёки яқин қариндошларига топширар эдилар. Баъзилари ўша кунларни эслаб: «Ўша вақтда Эшон бобомнинг ғамхўрликлари бўлмаганда биз нима бўлар эдик», - деб қиблагоҳимизни ҳақларига дуои хайр қилганларига кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Айримлари баджаҳл ва қўпол бўлсаям, биров гапирса ёки хафа қилса отамиз: «уларни хафа қилмангизлар гуноҳ бўлади», - деб уришмас эдилар. У вақтларда биз бола бўлганмиз, кўп нарсани тушунмаганмиз. Энди ўзимиз ота бўлиб, қиблагоҳимиз етим-сағирларнинг бошларини силаб, ғамхўрлик қилганларини тушуна бошладик ва бу ишнинг Аллоҳ ҳузуридаги савоби қанчалик улуғ эканини энди англаб етаймиз. Бу ҳақда кейинги саҳифаларда Абдиманнон ака ҳикоясини келтирамиз.

### САХОВАТЛАРИ ҲАҚИДА

Саховатли киши бировга яхшилик қилганда ҳеч қачон миннат қилмаслиги керак. Бу хислат иймон-этиқодли кишиларда кўп учрайди. Зеро, шайтонни, нафсни енгиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмас экан. Бу хислат бой ёки камбағал деб танлаб ўтир-

мас экан. Қиблагоҳимиз ҳар замон бизга: «Болаларим, ҳар доим дастурхонингиз очиқ бўлсин, бирор киши муҳтож бўлиб келса, қуруқ қайтарманг, бевабечора, сағир-етимларга ҳар доим ғамхўрлик қилинг, қўли очиқ бўлинг. Чунки бу саховатни ўрнини ҳеч нарса босмайди», - дея насиҳат қилардилар.

Отамиз бозор ёки магазинга бориб савдо қилганларини эслай олмайман. Бизлар ёш вақтимизда бозор-учар ишларини кичик амакимиз (Оппоқхон эшон бобо) қилганлар. У киши уйланиб рўзғори ажралгандан кейин савдо-сотик ишларимизни кўпинча Асрор ака ва Акрам ака Истамов деган кишилар қилишар эдилар. Ҳозир у кишилар ҳаёт эмас. У кишилар бир нарсани бозорга сотиб, бир нарса олиб келсалар, тийинигача ҳисоблаб қайтимини отамга берар эдилар. Отам эса қўлларига олиб энди буёғи бизники бўлди, мана буни олинг, Асрорбой ёки мулла Акрам (ўқитувчи эди) биздан сизга ҳадя, деб қайтариб берар эдилар. Ундан ташқари ким эшигимиздан бир нарса ёки пул қарз сўраб келса ноумид қайтармасдилар. Агар бир кишига пул қарз берсалар, уни орқасини суриштирмас эдилар. Қачон топса олиб келар эдилар, ўшанда ҳам қарздор аҳволи но-чорроқ кўринса, қарзни қўлидан олиб, бир қисмини унга биздан сизга ёрдам, деб қайтиб берар эдилар. Бизларнинг бу ишга ақлимиз ета бошлаганидан кейин энди ўзларинг қилинглари деб ҳисоб-китобни бизга топширдилар.

Менга кейинчалик Булишев Эломон (нарвонлик), гапдан гап чиқиб, отамизни эслаб бир воқеани айтиб берди. Булиш бобо 60-йиллари катта Эшон бобоникига қарзга пул сўраб боради. Меҳмонхона тўла меҳмон экан. Улар билан бирга ош ейди. Эшон бободан

пул сўрашга уялиб айтолмасдан чиқиб кетаётганида Эшон бобо: «Тўхтанг, Булиш бой, сиз қарзга пул сўраш учун келган эдингиз-ку, мана пул, ишлатиб туринг, топганда берасиз», - деб қиссаларидан пул узатадилар. Булиш бобо у кишининг фаҳм-фаросатига ҳайрон бўлиб, чиқиб кетган экан.

У киши ҳадя ёки назр-ниёз, қўй-эчкиларни ҳеч қачон ўзига олиб қолмас, бу ёқдан келар, бу ёқдан кетар эди. Меҳмонлардан ташқари ҳовлида юрадиган қанча қишлоқ аҳли ҳам бундан баҳраманд бўлишар экан. Бир оқсоқол 60-йиллари нон чучук замони, «биз қачон рўза келар», - деб кутар эдик, дея ҳикоя қилади. Чунки рўзада ҳар куни таровеҳ ўқиш ва оғиз очишга Эшон бобоникига боришар экан. Ўша жойдан қоринни туйдириб, хурсанд бўлиб қайтар эканлар. Бизникига кўпинча ҳамсоя аёллар ҳам товоқ кўтариб, онамиздан у бериб туринг, бу бериб туринг, деб келар эдилар. Берилган нарса ҳеч қачон қарзга берилмаган. Отам ҳам, онам ҳам: «Болалар ҳақиқа дуо қилсангизлар бас», - деб халқ дуосини олганлар, холос. У кишининг ана шу хислатлари бир умр сақланиб қолди, қишлоқ аҳли у кишидан ҳар доим миннатдор бўлишган.

### **МЕҲРИБОНЧИЛИКЛАРИ ҲАҚИДА**

Падали бузрукворимиз опа-сингиллари, укалари, аёллари, болалари ва бошқа қариндошларга меҳрибон бўлганлар. У кишининг бир опа ва бир сингиллари бор эди. Улар биздан анча узоқда яшар эди. Албатта ҳар йили канда қилмасдан бир-икки марта хабар олиб, ёрдам керак бўлса, ёрдам ҳам қилардилар. 50-60 йиллари бориб-келиш қийинчилигидан хабар олиш осон эмас эди. Баъзан от-уловда 8-10

кун йўл юриб бориларди. Агар бирор маърака ёки тўй бўлса, бир-бир ярим ой бурун хабарга одам юборар эдилар. Ўша вақтларда қишлоғимизда бирорта машина йўқ эди. Аммо меҳр-оқибат кўтарилмаган бўлса, бунга йўл узоқлиги баҳона бўлолмас экан. Отамиз шунга қаттиқ эътибор берар ва аммаларимизни чақиртирар эдилар.

Мабодо қариндошлар ўртасига араз ё гина-қудурат аралашгани қулоқларига етса, дарҳол амаки-мизни ва оқсоқол кишиларни чақириб, боринг, уришганларни яраштиринг, дер эдилар. Агар бу гапга кўнишмаса, аста ўзлари олдиларига чақириб, чиройли қилиб яраштириб қўяр эдилар. Чунки қишлоғимизда ҳеч ким у кишининг гапларини ташла-мас эди. Ярашмасликка илож қолдирмасдилар. Шунинг учун ҳам оқсоқоллар ўртага тушса, буни билганлар дарҳол ярашиб оларди. Агар ярашмасак, барибир катта Эшон бобо чақиради, у кишини ол-дига бориб уялиб тургандан кўра ярашиб қўя қолай-лик, деб ярашар эдилар. Ўша вақтдаги иймон-эти-код, иззат-ҳурматни қаранг.

Энди у вақтдаги оқсоқоллар дунёдан ўтиб ке-тишди. Ҳозирги Норвон қишлоқда ҳар йили ками-да икки-уч киши бир-биридан аразлайди. Қани энди яраштирадиган олдинги оқсоқолу катта Эшон бо-бодек зотлар. Ана сизга меҳр-оқибат, ана меҳри-бонлик, ана одамгарчилик, ана миллий қадрият. Зеро, ул зотлар фақат дин-диёнатга суяниб иш тутган-лар. Бир-бирларига кечиримли, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишган. Эндиги замонда ундай зотлар ҳам йўқ, ундай меҳр-оқибат ҳам қолмади. Ҳозирги ёшлар тарбиясида халқимизнинг ана шундай хулқ-одобларини шакллантирсак, маънавиятимиз янаям

бойиган бўларди. Оқсоқол кишининг гапи гап, сўзи сўз бўлган. Ҳеч ким унга қаршилиқ қилмаган. Ана шундай хислатларни куртак ёздириш бугунги кунда сув ва ҳаводек зарур.

### АЛЛОҲГА ЯҚИНЛИК ҲАҚИДА

Дарҳақиқат, улуғ зотлар Аллоҳга яқин бўладилар, шу боисдан уларнинг дуолари ҳам мустажоб бўлади. Ҳазрат Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Жаноб Расули акрам (с.а.в.) дебдурлар: «Батаҳқиқ, Аллоҳ таоло: «Ким менинг дўстимга душманлик қилса, мен унга уруш эълон қилурман ва бандам менга фарз амаллар ила яқинлик қилса, бу менга шу қадар маҳбубдирки, бошқа амаллар ила қилган яқинлиги бундай бўла олмас ва бандам менга нафллар ила яқин бўлиб борур, бора-бора шундай мақомга етурки, мен уни яхши кўриб қолурман ва қачон мен уни яхши кўрсам, ул ҳолда, мен унинг эшитадурғон қулоғи ва кўрадурғон кўзи ва тутадурғон қўли ва юрадурғон оёғи бўлурман ва нимани сўраса берурман ва нимани паноҳ этилса, паноҳимга олурман». Бухорий (Риёз ус-солиҳин, 78-бет).

Қиблагоҳимиз бир умр Аллоҳнинг фарз амалларини бажариш билан бир қаторда кўплаб нафл ибодатларни ҳам адо этардилар. Шу жумладан, нафл намозу-рузалар, қўшимча вирдлар (вазифалар), кунлик Қуръон тиловати, пайғамбаримизга саватлар китоби бўлган «Далойили Хайрот»ни ўқиш вазифаси, тунги таҳажжуд намозлари, эрталабки бомдоддан кейин ўқиладиган «Авроди фатҳия» каби «Нақшбандия» сулуки вазифаларини ихлос билан бажариб Аллоҳга яқинлашган бўлсалар ажаб эмас.

Дунёвий ишлар билан шуғуланмасдилар, бозорга боришни ёқтирмаганлар. Қиблагоҳимиз ҳар доим бизларга: «Мен дунё иши билан шуғуланмадим, қийналдим, сизлар эса дунё ишлари билан шуғулландинг, касб ўрганинг, ўқинг ва ҳалол яшанглар», - деб насиҳат қилар эдилар.

У кишининг олдиларига ихлосмандлари зиёратга келишар ёки маърака бўлса маърақадан олдин олиб кетиб, яна олиб келиб қўяр эдилар. Бойлик йиққан эмас, камтарона ҳаёт кечирдилар. Қуйидаги бобларда замондошлари хотираларида сақланиб қолган айрим воқеалар тафсилотларини сизларга ҳам раво кўришни маъқул топдик.

### **НИМА УЧУН «ИНДАМАС ЭШОН БОБО» ДЕГАНЛАР?**

Айтишларича, қиблагоҳимиз боболари Эшони Жалолиддинхон (лақаблари Индамас Эшон бобо) чамаси уч-тўрт ёшларида оталари меҳмонхонада кўпчилик жамоат бўлиб пешин намозини ўқиётганларида ўзлари қатори болалар билан ўйнаб келиб пойгақда турган калишларни икки томон - буниси «жаннати», буниси «дўзахи» деб ажрата бошлайди. Шунда оталари намоз суннатини ўқиб бўлиб «Жим бўлинг», - деб танбеҳ беради. Шу сабабли шу вақтдан бошлаб гап сўраса жавоб берганлар, бўлмаса индамай юрганлар. Шунинг учун катта бобомиз «Индамас Эшон бобо» деган лақаб олганлар.

Амаким Махсум бобонинг айтишларича, бир куни Индамас Эшон бобо намоз ўқиётиб дуога қўл очишдан олдин бир қўлини кўтариб анча вақт туриб қолибди. Дуо қилиб бўлганларидан кейин қавмларидан бири: «Тақсир, нима учун узоқ вақт бир

қўлингизни осмонга кўтариб туриб қолдингиз?» - деб сўрабди. Шунда Эшон бобо: «Ўша пайти Тошкентдаги маҳалланинг бир масжиди қулаш арафасида эди. Ичидаги намозхонлар ташқарига чиқиб бўлгунларича масжид устунини суяб турдим. Қўлимни қўйган заҳоти масжид ағнаб кетди» - деган экан.

Эшон бобонинг бу гапига айримлар ишонмасдан суриштирсалар Тошкентнинг Арпапоя маҳалласидаги масжид ҳақиқатдан ҳам қулагани ва ўша кунга тўғри келганини айтишади. Ўша вақтлар Тошкентнинг Арпапоя маҳалласида Эшон бобонинг ҳовлилари ва кўп биродарлари бўлган. Шу ҳовли то инқилобгача Эшон боболарники бўлиб, кейин тортиб олиниб, темир йўл ишчилари ихтиёрига берилган деб қиблагоҳимиз айтар эдилар.

### **АЗИЗ УЛАМОЛАР СУҲБАТИ**

Собиқ мустабид тузум даврида мулла - эшонларни яъни «кўзга кўринган» диндорларни қатағон қилинди. Кўпчилиги эса қамалди, отилди, бир қисми жонини сақлаш учун қочди.

И.В.Сталин (1953 й.) вафотидан кейин бироз елкаларга офтоб чиқиб, қамалганлар озод қилинди, диндор мулла-эшонларга ҳам тазйиқ барҳам топди.

Хонадонимизга ҳам олим ва мулла кишилар ташриф буюриб, суҳбат қилишга келар эдилар. Каминга ҳам шундай улуғ зотлар хизматини қилиш ва дуоларини олиш насиб этган. Отамизнинг танишбилишлари, ошна-оғайнилари кўп бўлишган: Домулла Камолиддин (Қўшработ, Шова қиш.) домулла Сайидқул (Қизил-булоқ қишлоғи) Эшони Темирхон Даҳбедий, домулла Эшонқул (Бахмал тумани), домулла Элмурод (Молтоб қишлоғи) домулла Му-

ҳаммадқул, Эшони Султонхон Тўра (Ғаллаорол) Нарзулла махсум, домулла Мухаммадқўл (Самарқанд), домулла Тошқўл (Мукири қишлоғи) Охун Эшон бобо, Исмоилхон Эшон бобо, Қори-Ғиёс, Қори-Илёс Эшон боболар (Ғараша қишлоғи) Ҳошимхон Эшон бобо (Булунғур) Қори Ҳошим, Қори Аҳрор (Фориш қишлоғи) домулла Жўра Охун, Сайидақбархон Эшон бобо (Челак) Абдурахмон Махсум (Андок қишлоқ) Абзойир Махсум (Қорақасмоқ қишлоқ) Қўлдош Махсум (Кўрсафар) Исмоилхон Эшон бобо, Садриддин Эшон бобо (Шайхлар к.), Қори Шаҳобиддинхон (Пахтачи), Фозилхон Эшонбобо (Хатирчи) Темирхон Эшонбобо (Арлот к.) Тўраҳон Эшон бобо (Тўртайғир к.) Эшони Сайфихон (Сурхондарё) мулла Ҳайдар Иброҳимхон Эшон бобо (Қашқадарё), Кори Яссоқ (Жомбой) каби уламо-ю - фузалолар.

Уламолар вақти-вақти билан дўсту биродарларни зиёрат қилиш, соғлиқларини сўрашни шарт деб билар эдилар. Эсимда, отам бироз бетоб бўлганларида, сафдошлари Эшони Шайх Қутбиддинхон (Ургутий) Тошкентдан (1982-1983 йиллар) Маҳбухон Эшон бобо билан бирга келиб хабар олишган. Ҳозирда ҳаммалари оламдан ўтишган. Бу улуғ зотларнинг суҳбатлари Қуръон, ҳадис ва фикҳ масалаларига оид бўлиб, бир-бирларига юксак тавозуъ ва ҳурмат билан ўтар эди. Баъзан масала талашиб, ечилмаган масалани аниқлаш учун узоқ жойлардан илм аҳли келар эдилар.

## НАСИҲАТНОМА

Падали бузруквор бизларга қуйидаги насиҳатларни қилар эдилар:

- Аввало Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога сидқидилдан ибодат қилиш ва буюрган фарз амалларини бекаму-қўст бажариб, уни ҳамма вақт ёдда тутиш Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг суннатларига амал қилиб яшаш;

- Ота онани ҳурмат қилиб, доимо хизматида бўлиш;

- Халқ билан муомилада инсофли, адолатли бўлиб, улар билан ҳамнафас ва бирга бўлиш;

- Доимо илм олишга интилиш;

- Катталарга ҳурмат кўрсатиб, кичикларга шафқат қилиш;

- Дўстлардан насиҳатни аямасдан бир йўла фойдали маслаҳатларига қулоқ солиш, уларга садоқатли бўлиш;

- Оғайни-қариндошлардан узилмаслик, силаи раҳм қилиш, хабар олиб туриш;

- Қариндошларга тавозуъ кўрсатиш, фойдали маслаҳатларига амал қилиш;

- Етим-есирлар, ёлғиз бева бечоралар аҳволини сўраб туриш ва иложи етса амалий ёрдам қилиш, беморлар аҳволдан хабар олиш;

- Пир ва устоз хизматини доимо «лаббай», - деб бажо келтириш;

- Ҳаётда иймон-этиқодли, саховатли, ғайратли, сабр-қаноатли, хайр-эҳсонли, раҳмдиллик ва кечиримли бўлиш;

- Оилада мурувватли, вафодор, тадбиркор, меҳнаткаш бўлиш;

- Икки нафсни жиловлаб, уни енгиш.
- Нодон, жоҳиллар олдида сукут сақлаш, чунки улар гапга тушунмайдилар;
- Яхшилар билан бирга бўлиб, улардан ибрат олиб, орқасидан эргашиш;
- Доимо салом ва муомила одобини сақлаш;
- Қўшни (ҳамсоя)лар ҳақини адо этиб, улар билан иноқ яшаш;
- Аллоҳ берган барча неъматларга (умр, ризқ, фарзанд, ҳидоят ва ҳ.к.) беадад шукр қилиш;
- Доимо ҳалим, ширинсухан, тавозуъли ва одобли бўлиб тилни қўпол сўзлардан тийиш;
- Ваъдага вафо қилиш, ҳаёли бўлиш;
- Ҳар бир амални ёки ота-она, ўзидан каттанинг топшириғини Аллоҳ учун чин дилдан ихлос билан бажариш;
- Ҳаётда ҳалол-покиза яшаш, ҳаром ва шубҳали нарсалардан ўзини тийиш;

Шунингдек, Аллоҳга ширк келтириш, қотиллик, ароқ ичиш, гиёҳвандлик, судхўрлик, зинокорлик, порахўрлик, таъмагирлик, ўғирлик, гийбатчилик, бировга туҳмат қилиш, ёлғончилик, одамларни мазах қилиш, макр-ҳийла қилиш, қаттиқ ва кўп кулиш, ҳасад қилиш, бировнинг ҳақини ейиш, дангасалик, нодон, жоҳиллар суҳбатида бўлиш, ножоиз нарсалардан кўзни тийиш, оёқни тортиш, одамлардан айб қидириш, ёмон амаллардан доимо сақланиб юришни бизларга насиҳат қилар эдилар.

Фарзандлари ва шогирдлари отамизнинг бу насиҳатларини ҳар қачон эсга олиб, амал қилишга интилиб яшашмоқда.

Зеро, мўмин-мусулмон учун амри маъруф (яхшиликга даъват) ва наҳи мункар (ёмонликдан қай-

тариш) Аллоҳнинг фарз амалларидир. Бас, отамиз бизларга шундай тарбия берганлар. Айрим оилаларда бундай гаплар асло бўлмаган. Энг оғир ва қийин вақтларда ҳам, яъни атеистик, ташвиқот авж олган вақтларда ҳам у киши бундай насиҳатларини канда қилган эмаслар. Айниқса, ёшларга юқоридаги ўғитлар фойдадан холи эмас.

### **ЭШОНИ НАРЗУЛЛАХОН (ҒАРИБИЙ)НИНГ ШАЖАРАЛАРИ**

Нарзуллахожа, ибн Низомиддинхожа, ибн Жалолдинхожа, ибн Яҳёхожа, ибн Мусохожа, ибн Ҳасанхожа, ибн Лутфуллахожа, ибн Файзуллахожа, ибн Абдуллахожа, ибн Абдулатифхожа, ибн Абдулбоситхожа, ибн Амир Тақийдин, ибн Амир Маҳмуд, ибн Амир Шамсуддин, ибн Амир Иброҳим, ибн Сайид Имодулмулк-ваддин, ибн Имомуддин, ибн Амир Ҳож, ибн Сайид Али, ибн Сайид Шарафиддин, ибн Сайид Ҳусайн, ибн Сайид Исмоил, ибн Имом Жаъфари Содиқ, ибн Имом Муҳаммад ал-Боқир, ибн Имом Зайнулобидин, ибн Имом Ҳусайн, ибн Амирал Мўминин Ҳазрат Али (биби Фотимаи Заҳро).

Эшони Нарзуллахон пайғамбаримизнинг 29-нчи авлодлари, она тарафдан ҳазрати Шайх Худойдоди Валининг 16-нчи авлоди, Эшони Мусохон Шайхулислом Сармежининг 5-нчи авлоди, Эшони Жалолиддинхон («Индамас Эшон бобо»)ни набираларидир.

Эшони Назруллахоннинг 9 ўғил, 7 қиз, 75 нева-ра, 62 чевара ва 3 та эваралари бор. Уларнинг барчаси ўқимишли, диний ва дунёвий илмларга эга.

## ПИРИ КОМИЛ ЭДИЛАР

Нарзуллахон ёшликларидан тасаввуф ва илми қалом билан шуғулланадилар. Энг аввал бухоролик уламолардан, кейинчалик устозлари домудла Сайидқул (Қизилбулоқ)дан таълим олдилар. У киши «Илми ладуний» соҳиби қаромат эдилар. Ҳазрат Нарзуллахонни Аллоҳга бўлган муҳаббатлари Тасаввуф илмини ўрганиш ҳамда тариқат йўлига (20 ёшда) киришга ундади. Жаноблари зоҳирий илмларни эгаллаш билан бирга ботиний илмларга ҳам катта аҳамият берганлар. Шу сабабдан замонасининг нуфузли пири-муршиди қаршилиқ Ҳабибуллахон хизматида бўлган ва у зотнинг назарларига тушиб, пирларидан иршод олиб тариқат шайхи даражасига эришганлар.

## ТАСАВВУФ НИМА?

Тариқат йўли қандай йўл? Нима учун кишилар тариқат йўлида хизмат қилганлар? Шайх Абу Саъид Абулхайрдан сўраганларида:

Тасаввуф: бошингдаги ҳамма нарсаларни чиқариб ташлаш, кафтингдаги бор нарсани бериш, ўзгалардан сенга не ранжу кулфат етса, барига чидашдир», - деб жавоб берганлар.

Тасаввуфга тариқат йўлига кириб тавба қилиш билан эришилади.

Тариқатнинг маъноси луғатда «тўғри йўлда бўлиш» демақдир.

Шариат ҳукмларини ҳамма бажара олиши мумкин. Аммо тариқат йўли (сулук) мингтадан битга одамга насиб этади, холос. Чунки шариат аҳкомларини тўла-тўқис адо этмаган одам тариқатга яқин-

лашолмайди, уни тушунмайди. Тариқатта ўтиш учун шариат бошланғич зинапоядир.

Тариқатта кирувчи аввало нафсининг ҳою-ҳаваслари, бойлик, ёлғон, ифво, чақимчилик, зино, ичувчилик, чекувчилик, кашандалик (нос, наша ва ҳ.к.) хиёнат, қўйингки, барча ёмон иллатларни тарк этиши даркор. Демак, бу иллатлардан қутилиш учун ҳар бир кишига аввало Аллоҳга муҳаббат, кучли ирода, мукаммал иймон-этиқод керак бўлади. Шундагина тавба қилиб, тариқат йўлига кириш мумкин бўлади. Акс ҳолда юқоридаги ёмон иллатлардан қутилмасдан тариқат йўлига кирувчи киши риёкор бўлади, холос.

Тариқатта кирувчи албатта ўзига пири комил топмоғи даркор. Пири комил унга билими, ёши, имконияти, соғлиғи, қуввати, этиқодига қараб ҳар хил вазифаларни, яъни Аллоҳни зикр қилиш, истиффор ва нафл намозларни бажаришни буюради. Бу хил тариқат мақомлари ва латойифлари тасаввуф манбаларида баён қилинган. Бажариладиган вазифа, албатта, пир (устоз) топшириғи билан бўлиши керак. Пири комил ҳам ўз ўрнида устози (пири)дан рухсат (иршод) олган бўлиши лозим. Ўшанда мурид-мухлисларни Ҳақ йўлга даъват этади ва ўзи ҳам бу йўлда доим намуна бўлиб туради.

## II-ОТАМ ҲАҚЛАРИДА ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАЛАРИ

Баҳодирхон Эшон бобо хотираларини қуйидагича баён қилади: «1950-1955 йиллар чамаси қишлоқ оқсоқоллари гурунг қилиб, шу кенгликда «уч дарё» оқиб ётибди, бири домудла Камол бобо, иккинчиси домудла Сайидқул Қизилбулоқи ва учинчиси пиримиз Нарзуллахон Эшон бобо. У киши бешак вали эди, кароматга бой, зукко билимдон, инсонни ҳаёлидагини айтиб берадиган даражадаги билимдон эди. Диний илмлар соҳиби, дунёвий илмлар билимдони, етим-есирни қўлловчи, моддий-маънавий ёрдам берувчи инсон бўлганлар. Пиримиз Нарзуллахон Эшон бобо уйларига меҳмон келишларини аввалдан сезишларини айтганлар. (Баҳодирхон Холхўжа Эшон бобо ўғли, Нурота тумани, Авлиёота қишлоғида яшайди).

Мен у кишини устозим деб биламан ҳамда баъзи бир фазилатлари хусусида сўз юритмоқчиман, дейди Нарзуллахон Аҳмадхон ўғли: «Бир куни ўз уйларида: келинг, эртага бир сафарга отланиб турибсиз, сафар олдидан сизга тариқат илмидан таълим бериб қўяйлик деб, марҳамат қилдилар. Худди шундай, сафарга юрмоқчи эдик, биз сафарга отландик. Мен 1963 йилдан то 1986 йилгача суҳбатларида бўлиб тасаввуфнинг кўп қирраларини ўрганиб, фикрдан ҳам таълим олганман.

У зот билимдон киши эдилар, аммо шунчалик билим соҳиби бўлсалар ҳам бирор маротаба кибр қилганларини кўрганим йўқ. Ўзлари саййид авлодидан бўлсалар ҳам насаблари ҳақида ҳеч ҳам гапирмас эдилар. Баъзан суҳбатда Бобораҳим Машрабнинг:

«Сайидсан, хўжасан зинҳор, ки мағрури насаб бўлма», - деган байтини бизга неча марта айтиб берганларига гувоҳ бўлганман.

Бир куни домла Сайитқул бобо Эшони Нарзуллахонга қараб: «Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб бир мартагина насабингиз ҳақида гапиринг: - деди ҳазиллашиб. Шунда у киши мийиғларида кулиб, «Эй тақсир, Бухорои шарифдаги Ҳазрати Мавлоно бобомиз Хўжа бўлсалар хўжамиз, қора бўлсалар, қорамиз» - дедилар. Шунда домла Сайитқул бобо: «Эшони Мусо Хожа Даҳбедий ва Эшони Мусо хожа Сармажий асрдош, қариндошлар ва тоға-жиянлар» - деган эдилар. Шу суҳбатда мени уч устозим (домла Сайитқул, Эшони Нарзуллахон ва Эшони Султонхонтўралар) ҳозир бўлишган. У зотлардан Аллоҳ рози бўлсин, иймонларини ҳамроҳ қилиб, Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин, ҳамда Аллоҳ ўз дийдорига мушарраф қилсин» (Нарзуллахон Аҳмадхон ўғли, Пайариқ, Пахтакор ж/х).

Мен нафақахўр, уруш қатнашчиси, 85-ёшдаман. Пайариқ тумани, Накрут сойининг Қўшилиш қишлоғида яшайман. Аллоҳ ўзи кечирсин, беайб Парвардигор, 1946 йил урушдан келгандан бери намоз, рўзани тарқ қилмасдан баъзан очиқ, кўпинча яширин ибодат қилар эдим. 1968 йил нафақага чиққанимдан кейин мулла Ислон ва мулла Олим тоғам маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан Аллоҳ йўлида янада кўпроқ хизмат қилиш учун тариқат йўлига киришим керак бўлди. Бунинг учун бир пири комил топиб, у кишига қўл бериб «тавба» қилиш керак, дейишди. Ўша вақтларда мулла Ислон ва мулла Олим тоғамлар домла Сайитқул Қизилбулоқи маслаҳатлари билан Нарвондаги Нарзуллахон Эшон бобога бориб «ино-

бат» (қўл бермоқ) қилган эканлар. Мен Эшон бобо-ни олдин кўрмаганман. Тоғамлардан таърифларини эшитиб менда ҳам у кишига ғойибона меҳр пайдо бўлди ва у кишининг ҳузурларига 1968 йил кузида тоғамлар билан бирга бордим. Шу боришим биринчи кўришиш бўлди. Биринчи борганимда «инобат» қилишга қабул қилмай, «яна келарсиз», деб меҳмон қилиб қайтариб юбордилар. У кишини кўрганимдан кейин меҳр ва ихлосим янада ошди. Шундан кейин тез-тез қатнаб турдим. Охири бир-бир ярим йил ўтгандан кейин мени обдон синаб, эътиқод-ихлосимни кўрганларидан кейин бўлса керак «қўл беришга» рухсат бердилар.

Пиримиз дабдурустан бирдан келган кишини қабул қилмаслик одатлари бор эди. Бир воқеани эслаймиз. Мен «қўл берган» куним биздан олдин ҳам бир-икки мулалар Қўшработдан келиб «қўл бериш» учун турган экан.

Улар ниятларини маълум қилганда, Эшон бобо меҳмон қилиб қайтариб юбордилар. У киши тариқат йўлига ҳали тайёр эмас, бунинг учун ўзини обдон ҳар хил ёмон одатлардан тозалаш керак деб қабул қилмаган эканлар. Ўша куни мени қабул қилиб, зарур вазифа ҳам бердилар. Ўшандан бери у киши берган топшириқларни бекаму-кўст бажариб юрибман. Ҳозирча бу атрофда у кишидек Худога яқин одамни кўрмадим. У кишидай одам жуда камдан-кам учрайдиган зот деб биламан. Мана мен 85 ёшни қораладим, шу ёшгача у кишига тенглашадиган олим, етук зот - «пири комил»ни учратмадим. Аллоҳ бизни кечирсин, у кишининг жойлари жаннатдан бўлсин. (Мулла Ҳайит Эшназар ўғли, 2001 йил март).

Хурматли ўқувчилар! Биз собиқ тузум даврида 70 йилдан кўпроқ динсиз жамиятда яшадик. Динсиз жамиятда яшаган халқ тариқат пирини таниш у ёқда турсин, ҳатто ўз ота-онасини тағимайдиган даражага етиб бордик-ку? Шундай эмасми? Албатта шундай. Узоққа борманг, яқин 1984-1985 йилларни олайлик. Ота-онаси ўлса қўрқиб, пинҳона жаноза ўқидилар, баъзи бир мансабдор раҳбарларни ота-она, ака-укалари вафот этганда жаноза ўқитганлари учун «партия»дан ўчириб, ишдан олдилар, уйланган йигит-қизга яширин «никоҳ» ўқитилди, боласини ёки набирасини суннат қилдиришдан қўрқар эдилар, талаба ёшлар дўппи кийса ёки қизлар миллий либос (лозим) кийиб, рўмол ўраса таъқиб қилиндилар-ку! Иншооллооҳ, мустақиллик шарофати ила динимизни таниб, бугун бемалол шариат, тариқат, ҳақиқат (Аллоҳга етишиш) ҳақида сўз юритиб, тариқат етакчиси- «пири комил»лар ҳақида ўқувчиларга маълумот бермоқдамиз. Бу Аллоҳнинг улуғ неъматидир. Зеро, мамлакатимиз дунёга юз тутиб, келажаги буюк бўладиган даражага интилаётган экан, унда ёшларнинг маънавий камолоти, илм олиши, ҳалол-покиза яшаши, Аллоҳни таниб, ундан қўрқиб маънавий - маърифий тарбияси ҳам мукамал бўлиб бориши ҳам катта аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло буюради: «Албатта, Аллоҳ таоло тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади», (Бақара, 222-оят).

Шу ўринда падари бузрукворимизнинг «пири комил» булиб, қанчадан-қанча одамларни тўғри йўлга бошқарган бўлсалар, улуғ савобга эга бўлишларини Алл ҳ насиб айласин. ОМИН.

## ЕРТЎЛАДА КУТИЛГАН МЕҲМОН

Бу воқеани Каттақўрғон туманининг «Жизмон-сой» қишлоғида яшайдиган нафақахўр, педагог Тоштемир ака Исроилов айтиб берган:

«Исломий таълим тарбия кишини руҳий поклик, маънавий етукликка етказди, инсон бундан фақат фойда олса оладики, асло ютқизмайди.

Шўро даври бизни руҳий қурқув, даҳрийлик, маънавий ҳалокат жари томон судраб келди. Аммо маънавий таназзул руҳиятимизга кириб бора олмади. Бунинг сабабини неча замонлардан бери руҳиятимизга сингиб кетган «исломий таълим-тарбия»да деб биламан. Энди ўйлашимча, ўша қатағон йилларида ҳам Аллоҳга бўлган муҳаббатини қалбига жо қилган кишилар кўп экан. Ана шундай мўътабар инсонлардан бири пиримиз Нарзуллахон Эшон бобомиз эдилар.

Ҳали-ҳали эсимда турибди, -деб ёзади Тоштемир ака, - 1944 йилнинг март ойи бошлари эди. Кунлар анча совуқ, ёмғир тез-тез ёғиб турарди. Уруш жуда қаттиқ кетмоқда. Эркакларнинг яроқлиси урушга кетишган, уйларда ота-оналар, аёллару ёш болаларгина қолишган. Ўша баҳор тунларидан бирида, кечаси хуфтон кириб қолган маҳал уйимиздаги ўчоқ ёнида отам Исроил, ҳамсоямиз Мамарайим ака, онам, икки укам чой ичиб ўтирган эдик, ташқаридан Исроил акани чақирган бир товуш чиқди. Чиқиб қарасам, хонадонимизнинг мўътабар меҳмони Нарзуллахон Эшон бобомиз экан. Тезда у кишини уйга киригиздик. Эшон бобо уйга киргач, Аллоҳ таолога ҳамду-сано ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Менга қараб мийиғида жилмайди-да,

кўп яшанг, ўғлим» - деб раҳмат айтди. Шундан сўнг нон-чой устида ҳамсоямиздан: «Мамарайимбой, нима ишлар қилаяпсиз?» - деб сўради. Шунда Мамарайим ака йиғламсираб: «Мен тухматдан жиноятчи ҳисобланиб қочиб юрибман», - деди.

Шунда Эшон бобо пешонасига бир пас қўл солиб туриб: «Исроил ака, мени овлоқроқ жойга олсангиз, Мамарайимбой сиз тезроқ бошқа жойга ўтинг, бу ерга бир жандарма келаяпти», - дедилар. Жандарма - бу милиция экан.

Биз эшон бобони ертўлага тўшак солиб ўтказдик. Мамарайим ака чиқиб кетиши билан бир пас ўтгач, Сиддиқов деган милиция отдан тушиб, уймизга кирди ва Мамарайим аканинг келган-келмаганини суриштирди. Отам «Йўқ, келган эмас» - деб ёлғон гапирди. Сиддиқов эрталаб Мавлонсой деган қишлоққа Қутибек деган кишини излаб кетди.

Эрталаб чой маҳали Эшон бобомиз олдига қишлоқдан Саидахмад, Ҳусан, Қулмамат, Мулла Узоқ, Муҳаммади боболарни чақирдик. Суҳбатда кечаги Мамарайим ака билан бўлиб ўтган воқеа эсланди. Эшон бобо бу кунлар ўтади, албатта ҳали эркин кунлар бўлади, иншоаллоҳ, бунга ёшларимиз кўради, - деб тилак билдирди. Бугун ана шу гапнинг ростлигини кўриб турибмиз.

## **БИР ТУШ ВА ИККИ ХУНИ НОҲАҚ ТЎККАН КИШИ**

Орадан анча йиллар ўтиб, университетни тамомладим, - деб ёзади Тоштемир ака Исроилов, элик ёшларимда оғир касал бўлиб икки ой шифохонада ётдим. Бир куни отам раҳматлик тушимга кирибди. Отам бир сиқим пул узатиб, мен сенга ёрдам берол-

мадим, жойингдан тур-да, Нарзуллахон Эшон бобонгга - пирингга бор» - деди. Уйғонсам туш экан. Кўрган тушимни асаб касалликлари табиби Эшниёзов Набижонга айтдим. У киши шунда: «Сиз ўша пирингизга боринг, мен у кишини яхши биламан. Худо хоҳласа, яхши бўлиб кетасиз, чунки асабларингиз толиққан» - деди. Ўн кунча уйда бўлиб, бир ҳамқишлоғим билан бирга «Осмон Нарвон»га бордик. Бизни Эшон Бобонинг ўғиллари кутиб олди. Нарзуллахон Эшон бобо бир кўрганидаёқ: «Сиз «Жизмон»даги Исроил аканинг ўғли Тоштемирсиз-а?», - деди. Мен тўлқинланиб кетиб йиғлаб юбордим. Менга тасалли бериб юпатди ва «менга ёшлигингизда бир кеча ертўлада хизмат қилган эдингиз, биз ҳам сизга шу кеча Тангри таолодан ялиниб соғлигингизни тилаймиз», - деди.

Пешин ўқимоқчи бўлиб мен билан борган кишига: «Таҳорат олиб келинг», - деб буюрди. У киши уйдан чиқиши билан менга қараб: «Абдуқодир деган киши билан келмабсиз-да?», - деди. Бу киши ноҳақдан икки киши хунини тўккан, ҳа майли, ҳечқиси йўқ», - деди.

Шу кеча уйқуга кетганимдан кейин мени ўқий бошлаганини сезиб қолдим. Эрталаб уйқудан уйғониб туришим билан бурним қонади. Мен Эшон бободан яхши фотиҳалар олиб қайтдим, ҳали ҳануз Худога шукур, соғ-саломат юрибман.

Қишлоққа келгач борган шеригим ҳақида Эшон бобо айтган гапларни эслаб, унинг яқин кишиситоғасидан сўрадим. Ҳақиқатдан ҳам у киши хотинини бошига тепиб, мия қопқоғини жароҳатлаган иши туфайли ўлган ва ўз синглисини ҳам тошга бостириб азоб бергач, у ҳам оламдан ўтганини ай-

тиб берди. Кейинчалик шу одамнинг ўзи ҳам азоб-уқубатда вафот этганининг гувоҳи бўлдик. Нарзуллахон Эшон бобо ана шундай қалби тоза, зийрак ва хислатли киши бўлганлар».

### **«МОТОЦИКЛДАН ЙИҚИЛГАН ЎФИЛ» ВОҚЕАСИ**

Бу воқеани Тоштемир ака Исроилов қуйидагича ёзади: «Ҳамқишлоғимиз Қодир аканикида гурунглашиб, ўтирган эдик. Нарзуллахон Эшон бобо: «Ие, бу қандай бўлди? - деб пешонасини ушлаб туриб йиғлаб юборди. Ҳа, Эшон бобо нима бўлди? - деб сўрадик. Бирон жойи оғридимикан»? - деб ўйлабмиз. Шунда Эшон бобо: «Яхши-яхши, эсон-омон, соғ-саломат жойидан туриб кетди» - деб енгил тортди. Сўрасак, у киши: «Ўроқхон ўғлимиз «Нарвон»дан келаётиб мотоциклдан йиқилди, лекин шикаст емади», - деди.

Дарҳақиқат, бу воқеа талабалик давримда Ғаллаоролнинг «Шурча» қишлоғи яқинида бўлган эди. Мен мотоцикл билан Пайарикдан «Нарвон»га (Фориш тумани) дам олиш кунлари уйга чиқиб келар эдим. Ўша куни орқамдан амаким Оппоқхон учтўрт киши билан қайнотамизникига меҳмонга келаётган эканлар. Мени мотоциклим билан машинага ортиб келишди. Мен қайнотамиз Сайидакбархон Эшон бобоникида беш-олти кунлар ётдим, оёғим бир оз шикастланган эди. Отам эса аммалар тарафга Майдонсойга кетган эдилар. Бир-икки кундан кейин мени кўришга келдилар. Тузалиб, ўқишга кетдим. Бу воқеани мен отамдан эмас, 1998 йил, яъни (33-йил ўтгандан кейин) Тоштемир акадан эшитдим.

### «СЎЙИЛГАН, ОЁҒИ ЙЎҚ ҚУЙ» ВОҚЕАСИ

Қаҳҳор Мамаев нафақахўр, қарийб ўттиз йил қишлоқ хўжалик раҳбари лавозимида ишлаган. У киши Фориш туманининг Соғишмон-Узунбулоқ қишлоғида, ҳозирги кунда Зафаробод туманининг Ф.Хўжаев ширкат хўжалигида яшайди. Мирзачўлни биринчиларидан бўлиб ўзлаштирган раҳбарлардан бири, фидойи оқсоқолдир. У кишининг берган гувоҳлигига қараганда, катта Эшон бобо Нарзуллахонга содиқ мухлисларидан бири бўлган, вақти-вақти билан зиёратга келиб турган. У киши бир галги воқеани эслайди: -Биз, - дейди Абдуқаҳҳор ака, - 1964-1965 йиллар Гулистонда яшар эдик, мен бўлим бошқарувчиси эдим, Самарқандга зарур иш билан тез бориб келишим керак бўлди. Мен Қушбоқ ака ва укам Алим билан бирга Самарқандга жўнадик, йўл-йўлакай Фориш туманининг Норвон қишлоғида яшовчи Нарзуллахон тўрани ҳам зиёрат қилишга ният қилдик. У кишини дарров кўриб, дуоларини олиб қайтамиз деб келаётган эдик. Бир вақт у кишиникига келсак, қишлоқдошимиз Эрали ака битта қўйни сўяётган экан. Қарасак, энди терисини шиллапти, лекин олдинги «бир оёғи йўқ». Шу пайт Қушбоқ ака Эрали акага ҳазиллашди: «Сенга нима бало бўлди, қўйни ҳали сўйиб бўлмасдан бир оёғини еб қўйибсанми»? - деди. «Эй, ўл, сени келадидеб тўрам олдиридилар», - деди. Нарзуллахон тўрам айтибдилар: «Эрали ака тез қўйни бир оёғини олиб беринг, бир гуруҳ меҳмонлар шошиб келяпти, тез кетишади, улар келгунча овқат тайёрлаб қўяйлик» - деди Эрали ака. Шунга бир оёғини олиб бердим. Биз келдик, у кишини кўрдик зиёрат қилдик ва

рухсат сўрадик. Тўрам: «Ҳозир таом келади, еб, кейин турасизлар» - дедилар. Эрали ака қўйни охиригача сўйиб бўлгунча биз таомни еб, у кишини (тўрамни) дуоларини олиб Самарқандга жўнаб кетдик.

### **ФОНУС БИЛАН КУТИБ ОЛИШ**

Маъмур ака ҳам отам ҳақида бир воқеани айтиб берди. Мен «Соғишмон»дан «Узунбулоқ»га кетаётган эдим, йўлда бир юк машина йўлга тикилиб қолибди. Баҳор кунлари эди. Машинани кўриб олдига келдим. Сўрасам Мирзачўл тарафдан келаётган экан, Довондан (Фориш) ошиб йўлдан адашибди. «Қаерга бораяпсизлар», - деб сўрадим. Улар: ««Нарвон»га Эшон бобоникига бораяпмиз» - дейишди. Мен отипини бўйнига бойлаб, қишлоққа қўйиб юбордим, чунки ўзи уйни топиб борар эди. Ўзим машинага чиқдим, бирга «Норвон»га кетдик, йўл кўрсатдим. Йўлдан юриш қийин, ёмғир ёғаяпти. Шунинг учун бўз ердан юрдик. Бир жойларга тикилиб қолдик, қийналиб етдик. Вақт анча кеч бўлиб қолди, тун бўлди. Биз Эшон бобоникига яқинлашган эдик, бир вақт бир фонуc билан Эшон бобо бизни кутиб олдилар. Тўрам «Маъмурбой машинани ўша ерга тўхтатинглар, эҳтиёт бўлинг, олдиларингизда жарлик бор» - деб бизга қарши чиқди. Мен ҳайрон бўлиб қолдим, у киши шахсан мени айтиб чақириб гапирганларидан эсанкираб қолдим» - дейди.

### **БЎРИГА ЙЎЛИҚИШ**

Эсон ака Нуралиев (марҳум) «Соғишмон» қишлоғилик. Бундан икки йил муқаддам (1999 й.) уйида қиблагўҳимиз ҳақларида гап кетганда шундай воқе-

ани айтиб берди. «Бу воқеа 50-йиллар атрофида бўлган. Мен дейди, Эсон ака: «20 ёшларда эдим, ҳам-қишлоғимиз Марди ака билан мени кечкурун отам (Нурали бобо) чақириб, икки эшакка буғдой ортиб, Нарзуллахон Эшон бобоникига олиб бориб беринглар», - деди. Биз тунда буғдойни олиб жўнадик. Урушдан кейинги йиллар. Қийинчилик. У вақтларда кундузи буғдой билан юриб бўлмас эди. Эшон бобо бизни кутиб олдилар, буғдойни топширдик. Дастурхон ёзилди. Бир пиёла чой ичиб дарҳол уйга қайтмоқчи бўлдик. Лекин Эшон бобо жуда кўп зўрладилар: «Ош бўляпти, ўтиринглар, меҳмон бўласизлар. Кетманглар, тунда йўл хатарли, эрталаб тонг вақти кетасизлар», - деди. Биз эса шеригим билан у кишининг гапига кулоқ солмасдан тун ярмида уйга жўнадик. Не кўз билан кўрайликки, йўлда «Кўк тўнли» деган сойда бизга икки бўри дучор бўлиб йўлимизни тўсди. Ундан қўрқиб, биз йўлимизни уйга (Соғишмонга) эмас, яқин Эшбулди қишлоққа солдик. У ердан эрталаб жўнаб чошгоҳларда, тахминан 8-9 ларда (6-7 км. йўл юриб) қишлоққа Марди аканикига тушдик. Бизнинг келганимизни кўриб, отам укамни бизга юборишти. Уйга келсак, бизникида Нарзуллахон Эшон бобо бир бобо билан ўтирибди. У бобой ҳам-соялари Вали бобо экан. Эшон бобо: «Бўрига йўлиқдинглар, зарар етказмадими?» - деб биздан сўраяптилар. Кейин «Сизлардан хавотир олиб, хабар олгани орқаларингдан келдик», - дедилар.

Бу воқеа ҳали-ҳали мени ажаблантиради. Эшон бобо ана шундай улуғ одам эдилар, деб Эсон ака гапириб берган эди.

## ДУОНИНГ КУЧИ

Истеъфодаги полковник Турсунбек Раҳмонов:  
1943 йил Отам урушдан ярадор бўлиб қайтди: Орадан олти ой ўтгач, 1944-йил май ойлари Қурбонбой Йўлдошев Отамнинг иккинчи марта армияга кетишига сабабчи бўлди. Фронтта кетиш олдидан қўй сўйилди. Отам менга: «Бориб Эшон бобони айтиб кел, бир дуоларини олиб кетай» - деди. Кечқурун соат саккиз-тўққизларда эшакка миниб, Чоловойтош орқали Ўртатошдан ўтиб, тоғ орасида жойлашган тўлага бордим. Салом-алиқдан кейин мақсадимни тушунтирдим. Нарзуллахон Эшон бобо эшакка миндилар. Мен пиёда уйга жўнадик; мақсад - ҳеч ким кўрмаслиги керак. Дуо-фотиҳа ўқилди, сўнгра Эшон бобо тиловат қилдилар. Хайрлашишда: - «Раҳмон ака, Сиз урушга кирмайсиз, йил ўтмай қайтасиз, яхши бориб омон қайтинг» - дедилар. Ҳақиқатдан ҳам, отам урушдан 1945 йил 9-майда келдилар. Урушда эса ошпазга ёрдамчи бўлиб хизмат қилибдилар.

1982 йил «Гдлян гуруҳи» менинг беш йиллик фаолиятимни тинтув қилмоқда. Иш кўп, ҳар-хил мишмишлар. Кунларнинг бирида Худо кўнглимга солдим, эрталаб соат тўртларда Нариманга - Эшон бобо олдига жўнаб кетдим. Дастурхон ёзилди, чой келди, у кишининг уйидан одам узилмайди. Мен ҳали вақт топиб фикримни айтиш учун безовталаниб турар эдим. Овқат ҳам келди. Ошни едик, қўлни ювдик. Мен: «Эшон бобо, мана Сизни кўриб хурсанд бўлдик, энди Бизга рухсат берсангиз, узоқ йўл, қайтайлик» - дедим. У киши: - «Ишлаётисизми, текширув бўлади, ҳеч хавотирланманг, Аллоҳнинг ўзи сизга ўнг

келтиради» - деб дуо қилдилар, ўзимни елкамдан тоғ ағдарилиб тушгандек енгил ҳис этдим ва Гдлян гуруҳи менинг ҳаётимга заррача ҳам халал бермади».

(Т. Раҳмонов, «Адолатли умр лаҳзалари» китоби, 1998 йил, 111-112 бет).

### ТУШДАГИ КАРОМАТ

ШАМСИДДИН ака (педагог, нафақахўр, асли Қўшрабботлик) ҳикоя қилади: Самарқандда касалхонада ётибман. Эртага оғир операция. Албатта ҳаёлимни қўрқув ўраб олган, ҳаёт билан абадий хайрлашадигандек туюлади. Ўша куни кечаси палатадагилар менга далда берар, кўнглимни кўтарар ва яхши ният билдирар эди. Шу сабаб жойимга кеч етдим. Бир маҳал тушимда пиримиз Нарзуллахон Эшон бобо бир отни ушлаб турибди ва менга тезроқ мининг, ўртоқларингизга етиб олинг, дея насиҳат қилар эди. Сапчиб ўрнимдан туриб кўзимни очсам тушим экан. Шундан бошлаб руҳимда тетиклик пайдо бўлди. Операцияга ўзим бир соат олдин кириб бордим. Мени кўрган докторлар ҳайрон бўлишди. Биз бошқаларни операцияга оёқ-қўлини боғлаб, мажбурлагандек олиб келар эдик. Сизда бир хислат бор, дея ажабланишди. Бу воқеага ҳам салкам қирқ йил бўлибдики, ҳамон соғ-омон юрибман.

### БОЛОХОНА ҚУЛАШИ

Маҳмуд Махсум ҳикояси: Нарзуллахон Эшон бобо ҳовлимизда яшар эдилар. Рамазон ойидан кейинги кунлар эди. Бир куни китоб ўқиб ўтириб кўп йиғлади. Айтдики: «Офтобхон (катта укалари, Қаршида турарди) армиядан қолди, Опшқхон эса шу

ёққа йўлга чиқ... , - дедилар. Дарҳақиқат, орадан уч кун ўтиб Оппокхон кириб келди. Ҳақиқатдан ҳам уч кун бурун йўлга чиққан экан. У киши ҳам ҳовлимизда яшай бошлади. Ўша йили ёғингарчилик кўп бўлиб Оппокхон яшаётган болахона бир кун гумбирлаб қулаб тушди. Гумбурлаш овозини эшитиб уйдагилар чоғиб ташқарига чиқиб турганимизда, Нарзуллохон Эшон бобо: «Қўрқманглар, уларга ҳеч нарса қилгани йўқ», - дедилар. Ҳақиқатдан ҳам Оппокхонлар ўтирган жой ўз ҳолича қолибди, ҳеч қандай зиён етмабди. Бундай ҳодисалар инсон ишониб бўлмас даражада рўй берди.

### ТУНДА УЙГА КЕЛИБ КИРМАЙ КЕТГАН МЕҲМОН

Оролов Абдумоннон - нафақахўр, асли Фориш туманини Айтмағли қишлоғилик. У киши Эшон Нарзуллохон тўғрисида қуйидагича ҳикоя қилади:

«Мен тўрт ёшда ота-онамдан етим қолдим. Ҳар жойда яшаб юрдим. Яшаш қийин, нон чучук, анча қийналдик. 1948 йили тахминан ўн ёшларимда акам Абдураззоқ Нарзуллохон Эшон бобоникига олиб бориб қўйди. Мен у кишиникида беш йил юрдим. Акам ўша кишиникига олиб бормаганида, нима бўлар эди. Унисини Худо билади, лекин у кишиникида қийналмасдан яшадим, у киши кўп яхши насиҳатлар қилардилар. Бугун етти фарзандим, тўққиз набирам бор. Ҳаётимдан миннатдорман. Ҳар доим у кишининг ҳақларига дуо қилиб тураман. Нарзуллохон Эшон бобонинг кўп яхшиликларини кўрганман. 1952 йил чамаси, қиш пайти - қор қалин. Бир кун эчқурун Эшон бобом менга Абдумоннон дарҳазани очиб ташқарига қаранг, бир киши келяпти.

- дедилар. Мен бир оз ҳаяллаб чиқиб, кўчани ҳар икки томонига юрдим, ҳеч ким йўқ. Эрталаб мулло Фозил бобо бомдод намозига келди ва Эшон бобом: «Мулла бобо нимага келиб уйга кирмадингиз, мен кўчага хабар олинг, деб Абдуманнони чиқарган эдим», - дедилар. Шунда бу гапни эшитиб мулло бобо ҳайратдан ёқа ушлади. Нарзуллохон Эшон бобом ана шундай дуогўй, олийжаноб, табаррук инсон эдилар. Мен шу кишининг тузларини еб, насиҳатларидан баҳраманд бўлиб катта бўлганимдан хурсандман. Менга отамдан ҳам зиёд яхшилик қилганлар. Ҳар замон ўша вақтлар ёдимга тушса, беш вақт намозни орқасида у кишини эслаб ҳақларига дуо қиламан.

### **ҲАЙДАР ОТА САИДМУРОДОВ ХОТИРАЛАРИ**

Нафақахўр. Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Иштихон туманининг Шайхул Ислон қишлоғида яшайди. У киши шундай ҳикоя қилади: Нарзуллохон Эшон бобо 1938 йилларда кечки пайт қишлоғимиздаги Тожимурод бобомизникига келибди. Акам ва опамлар билан бирга бордик. Нарзуллохон Эшон бобомиз мен (10-11 ёшлар чамаси эдим) эшиқдан киришим билан «Ҳайдарбой, буёқдан келинг», - деб ёнига ўтқазиб, Сайидмурод акамизнинг кичкина ўғиллари, деб бағрига босиб кейин акамлар билан сўрашди.

Пўлатхон эшон ҳовлисида кундузи соат 3-4лар чамаси акамга қараб: «Мен ўтирган жойни ўзгартиринглар», - деди ва уч-тўрт уй наридаги бошқа уйга ўтди. Ярим соат ўтиши билан орган одами (НКВД) олдинги ўтирган жойга от билан бостириб келди ва: «Бу ердаги эшон меҳмон қани?», - деб

сўради ва ҳовлининг ҳамма жойига эътибор бериб қаради, лекин учрата олмади. Бу воқеадан уйдаги катта-кичик бирдай таажжубланиб қолишди. Шундан кейин Эшон бобони «Осман Норвон» қишлоғига олиб бориб қўйишди.

1967 йили феврал ойининг охирлари мен Самарқанд шаҳрига мажлисга кетган эдим. Орада анча вақт келмай кетганим учун Нарзуллохон Эшон бобом, мени уйимга иштиҳонлик Садириддин ака ва қишлоқдан Йўлдош бобо билан қидириб келибди ва қишлоқдаги катта-кичик оға-иниларим билан меҳмондорчилик қилиб, кечаси уйимдан бошқа қишлоққа ўтишни гаплашибди. Лекин Эшон бобо: «Яна ярим соат ўтиришимиз керак, Ҳайдарбой йўлда келаяпти», - деган. Мен Самарқанддан уйимга меҳмон устига келдим. Уйимдагилар ҳаммаси ҳайрон бўлиб қолишди.

### УМУРЛЛО БОБО ХОТИРАСИ

Улуғ ватан уруши ногирони, нафақахўр Умулло Жўраев (асли форишлик), шундай хотирлайди:

«Биз илгари Чимкент вилоятида яшар эдик. Нарзуллохон Эшон бобо амакимизникида меҳмон бўлдилар. У кишининг олдиларига бошқа қариндошлари ҳам келишди. Шунда бошқа танишлар ҳам келиб у кишини зиёрат қилди. Улар кетгандан кейин Қозоқ деган амакимиздан Эшон бобом: «Бу ҳозирги келган кишилар қандай одамлар эди?» - дедилар. Шунда Қозоқ бобо (марҳум): «Бир юрган одамлар-да», - дедилар. Эшон бобом эса: «Булар яхши одамлар эмас», - дедилар ва кетишга шошилдилар. Эрталабки бомдод намозини ўқиб чойга қарамасдан чиқиб кетдилар. У киши кетишлари билан Н.К.В.Д. дан

одамлари етиб келди ва қори Аҳрор, Усмон амаки-  
мизни олиб кетди. Сабаби бизга номаълум. Эшон  
бобо кетишлари билан Усмон амакимиз уйлари ёнди.


Шуни ҳам билдириб қўймоқчиманки, у даврда  
икки-уч киши сохта гувоҳлик берса, бошқа суриш-  
тирмасдан қамаб юбораверган. Қариндошимиз Аҳ-  
рор бобо билан Усмон амакимизни ҳам ҳеч қандай  
айбсиз олиб кетишган. Эшон бобомиз ҳам ўша жойда  
ўтирганларида, балки у кишини ҳам бирга олиб кетиб  
қамаб юборган бўлар эди.

### **«НОМАҲРАМ АЁЛ» ҲИКОЯСИ**

Муҳаммад Ражаб, Муҳаммад Сўфи ўғли Фориш  
туманининг Ўрта қишлоғида яшаган Мулла Отабек  
Нарзуллахон Эшон бобони Ҳаққа етишганлари ҳа-  
қида бир гурунгда шундай деган эди. У киши: «Мен  
мурид сифатида бир кун аввал Норвон қишлоғига  
Эшон бобони зиёрат қилишга боришни ният қил-  
дим. Эшакка ем бердим ва эрталаб бомдод намози-  
ни ўқиб, Норвон қишлоғига йўл олдим. Тоғдаги до-  
вондан ошиб Ҳасанота қишлоғига етдим. Бехосдан  
кўзим ариқда чўмилаётган бир номахрам аёлга туш-  
ди. Номажрамга бир эмас, уч марта қараб қўйдим.  
Сўнг Нарвон қишлоғига Эшон бобо олдиларига ўт-  
дим. Эшон бобо мени ҳар доимгидек илиқ кутиб  
олмади. Менга қараб: «Бир кун аввалги ниятинг яхши  
эди (мени зиёрат қилишинг), бугун йўлда номахрам  
аёлга нима сабабдан қарадинг?» - дедилар. Мен у  
кишининг бу сезгиларига ҳайрон бўлиб хижолат  
чекиб қолганман.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**Шоир Ғарибий**  
**иждоддан намуналар**





بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Гарибий «Тавҳид», яъни Аллоҳнинг якка ягоналиги, унинг яратувчилик сифатларини чиройли ташбиҳ ва мисоллар орқали ифодалаб, инсонни тафаккур қилишга ва Аллоҳу таолога иймон келтиришга даъват этиб ажойиб манзума ёзганлар.

### ТАВҲИД МАНЗУМАСИ

- 1) Эй ёронлар, барча ашёга ҳақиқат бор ҳақ,  
Илм анга собит эрур сиз қилмангиз инкор ҳақ.

Яъни: Эй дўстлар, ҳамма нарсанинг ҳақиқати бор. Энг олий ҳақиқат Аллоҳдир. Ҳақнинг ҳақиқатан дунёни яратганлиги ҳақдур. Бунӣ илм ҳам тасдиқлайди. Сиз бу яратишни асло инкор қилманг!

- 2) Илмни асбоби учдур англаниз даркор ҳақ,  
Ақлдур, ҳиссу салиму, сидқ ўлан ахбор Ҳақ.

Ҳақиқат йўлида илмнинг уч сабабини билиш керак, яъни: 1. Ақл, 2. Соғлом ҳиссиёт (туйғу), 3. Тўғри хабар.

- 3) Илмни асбобини билгай ҳама диндор ҳақ.

Илмни асбоб—сабабларини ҳамма диндорлар албатта ҳақ деб биладилар.

- 4) Илмни асбобидан билманг Сиз ул илҳомни,  
Шаръ амридин нариға қуймангизлар гомни

*Илҳомни илм сабабларидан деб билманг. Шариат буйруғидан ташқарига қадам қўйманг. Илҳом бу валиларга Аллоҳ томонидан бериладиган туйғу.*

- 5) Барча жузъи бирла олам ҳодис, эрта — шомни, Ихтилофини кўрарсиз нўшини оломни.

*Оламни барча бўлаклари билан ҳодис, яъни яратилган. Сиз унда эртаю кечнинг алмашилиб туришини, яхшилигу ёмонликларнинг қарама—қаршиликларини кўриб турасиз.*

- 6) Муҳдиси Вожиб таоло воҳиди Қаҳҳор Ҳақ.

*Мана шу гўзал Олам, коинот барча бўлаклари ҳаммасининг ижодкори яратувчиси ягона бўйсундирувчи вожиб таолодур.*

- 7) Ҳар киши ақлин югуртиб андаки қилса назар. Ушбу кўрган осмону Ер ҳама Шамсу, Қамар.

*Ҳар киши ўзи кўриб турган Осмону—Ер, Қуёшу—Ойларга ақл юргизиб бир қараб қўйса.*

- 8) Ушбу ер устида бўлган бўстони пуршажар, Турли лаззат бирла анвойи дарахти пурсамар.

*Ушбу ер устида бино қилинган гўзал кўп боғлару, турли лаззат берадиган анвойи, чиройли кўп мевали дарахтларничи?*

- 9) Барчаси осоридурлар, Мужиди осори Ҳақ.

*Бу нарсаларнинг ҳаммаси Аллоҳ таоланинг асарларидур. Аллоҳ таоло эса буларнинг ижодкори ҳисобланади.*

- 10) Мунҳасирдур Ҳақни зоти — ҳам сифотиға қидам, Ул эрур аввал ки собиқ бўлмади анга адам,

Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари қадимдур. У — Аллоҳ таоло аввалдур яъни ундан олдин ҳеч нарса бўлмаган, ағам — йўқлик унга ўзмаган, яъни йўқликнинг Аллоҳдан илгари бўлиши мумкин эмас.

11) Охир ул барча сифат бирла Худойи бокарам,  
Зотида ботин эрур фикр айлаган қилгай надам.

Аллоҳ аввал дедик. Охир ҳам ўзи. Ҳамма сифатлари билан улўғ мукаррам зотни ўз фикрича бирор нарсага ўхшатиб фикр айлаган киши пушаймон бўлади.

12) Барча ашё мужиди Вожиб таоло бор Ҳақ.

Ҳамма нарсани пайдо қилган зот ҳақиқатдан ҳам бордур—мавжуддур.

13) Ҳақ таоло жисм эмас, жавҳар эмас, маҳдуд эмас.  
Пок мумкин лозимотидан бу янгли англа бас.

Аллоҳ таоло жисм—моғда эмас, жавҳар—бўлакка бўлинмайдиган сўнгги қисм (ядро) эмас. Бириктириб, таркиб топши лозимотидан покдур. Ана шундай деб тушун!

14) Кунҳи зотиға етолмайдур Худони ҳеч кас.

Қилғуси анга далолат ўйласанг мўру мағас.

Аллоҳнинг зотини моҳиятига ҳеч ким ета олмаган ва ета олмайди ҳам. Унинг борлигига эса чумоли ва бошқа ҳашоратлар далолат қилади.

15) Маърифатни маншаъи маснуъи бўлди кор ҳақ.

Аллоҳнинг иши, яъни яратиклари Уни таниш манбаига айланди.

- 16) Айни зоти демағил Ҳақни сифотин эй киром,  
Зотини ғайри эмас, зотиға қоимдур тамом.

*Худонинг сифатларини айнан Ўз зоти деб  
уйламанг. Шу билан бирга сифатларини зотидан  
айри деб ҳам эътиқод қилманг.*

- 17) Неку бадни халқ этур ул ҳикматида бор низом.  
Ул Самад, муҳтож эрурлар анга барча хосу ём.

*Аллоҳнинг яхши—ёмонни яратиши бир ҳикмат  
билан бўлади. Ўша ҳикматида тартиб бор. У  
беҳожатдур. Унга ҳамма хосу авомлар  
муҳтождурлар.*

- 18) Лабни во қилма на билғунг ёширун асрори Ҳақ.

*Ҳар нарса деб гапираверма, Аллоҳнинг яширин  
сирларини қайдан биласан?*

- 19) Билки Қуръондур каломуллоҳ васфи Зул — жалол,  
Ҳодис эрмасдур қадим ҳаргиз анга бўлмас завол.

*Қўрён Аллоҳнинг каломи бўлиб, у улуғ сифатли  
зотнинг сифатидур. Қуръон пайдо бўлган эмас —  
қадимдур. У ҳеч қачон йўқолмайди. Унга Аллоҳнинг  
ўзини ваъдаси бор. «Биз уни туширдик, қиёматгача  
сақлаймиз» деган, Аллоҳ таоло. Шундай экан  
Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдур, Қуръон то қиёматгача  
йўқ бўлмайди.*

- 20) Зотиға қоим эрур бўлмас ҳулулу интиқол.

*Ушбу нақшиким ёзурмиз ҳам ўқурмиз анга дол.*

*Худонинг сифатлари зотида қоимдур, кўчмайди  
ҳам, ўзгармайди ҳам. Биз ёзаётганимиз,  
ўқиётганимиз махлуқ, лекин Аллоҳнинг каломи махлуқ  
эмас.*

21) Аҳмади Мурсални қилди манбаи анвори Ҳақ.  
*Аҳмади Мурсал — элчи Муҳаммад алайҳиссаломни  
нурлар чиқадиган манба (ўрин) қилди.*

22) Бил малоикни вужудини ҳама жисми латиф.  
Эру ё хотун демак васфидин онлардур назиф.  
*Фаришталарнинг жисми нуроний бир кўринишда  
лекин уларда эру хотинлик сифати йўқ.*

23) Аклу шурб этмоқдин жумла мубарродур шариф,  
Шак кетурғуси малакға кимни иймони заиф.  
*Фаришталар емоқ—ичмоқ сифатларига эга  
эмаслар, кимки иймони заиф бўлса фаришталарни  
инкор қилади.*

24) Сидқи дил бирла малакға айлағил иқрори ҳақ,  
Чин гулдан фаришталарга иқрор бўл.

25) Ҳақ таолодин кутублар келди бе шакку яқин,  
Бир юзу тўрт деди баъзи қилма ҳасрин аҳли дин:  
*Осмондан китоблар тушгани ҳақдур. Баъзилар  
104— та деганлар. Эй аҳли дин, бунини саногини  
чегаралаб қўйма!*

26) Анбиёларга юборди Ҳақ алар барча амин,  
Анбиё бирла ҳидоят топдилар аҳли замин.  
*Аллоҳ бу китобларни пайғамбарларга юборди.  
Уларнинг барчаси Ҳақ ва ишончлидур. Улар билан ер  
юзи аҳли тўғри йўл топдилар.*

27) Бовар айлаб жамъисини билғуси ахёр ҳақ.  
Буларнинг ҳаммасига яхшилар ишонадилар.

28) Қабрда икки малак ўлган кишини сўргуси.

Куфр эли ҳам баъзи осийлар азобин кўргуси.

*Икки фаришта (Мункар—Накир). Ҳар бир ўлган кишини сўроқ қилиши ҳақдир. Қабрда кофирлар ва баъзи гуноҳкорлар азоб бўлиши ҳақдир.*

29) Яхшиларга неъматни жаннат насими етгуси,

Ким диёнатли эрур албатта бовар этгуси.

*Қабрда яхши инсонларга жаннат томонидан бир дарча очиб қўйилади. Улар жаннатни кўриб ётадилар, лекин тановул қилмайдилар. Диёнатли кишилар бу сўзларга албатта, ишонадилар.*

30) Баъзига бўлғай васиъу баъзиларга тор ҳақ.

*Баъзи инсонларга қабр кенг ва баъзиларига тор бўлади.*

31) Фоний бўлғай ушбу дунё охири етган замон,

Ҳақ бўлур бир кун қиёмат, бўлма гофил эй жувон.

*Охири етган кун бу дунё тамом бўлади. Қиёмат ҳақиқатдан ҳам бўлади. Эй йигит ғафлатда умр ўтказма.*

32) Яхшилик кўрсанг жаҳонда ёки кўрсанг ҳам ёмон,

Барчани тақдирдан англаб анга келтурғил иймон.

*Дунёда нима яхшилик ёки ёмонлик кўрсангиз уни тақдирдан билинг ва тақдирга ишонинг.*

33) Тошла Ҳақга ўзни доим бўлгусидир ёр Ҳақ.

*Барча ишларингни Аллоҳга топширгин. У сенга ёру мадакор бўлади.*

34) Тонгла маҳшарда халойиқни Худойим тиргизур.

Вазн этиб қилган амални номани қўлга берур.

*Қиёмат куні Аллоҳ аввал охир ўтган одамзодни (жинларни ҳам) қайта тирилтириб, номайи аъмолни кўллариға тутқасади.*

35) Келса чапдан ҳар кишиға етмағай анга сурур,  
Ўнг тарафдин олгучилар барчаси масрур ўлур.

*Ўша пайтда кимнинг номаи аъмоли чап тараф ёки орқасидан берилса у кишиға хурсандчилик йўқ. Аммо ўнг тарафдан номаи аъмолини олувчилар хурсанд бўладилар.*

36) Киргуси жаннатға онлар кўргуси дийдори Ҳақ.

*Ўша ўнг тарафдан номайи аъмолини олган кимсалар жаннатға кириб Аллоҳнинг дийдорини кўрадилар, иншо Аллоҳ. (Аллоҳ барчамизни шу улғу неъматға етказсин).*

37) Ҳавзи кавсар ҳақ, сирот кўприк эрур ҳақ дўстлар.

*Ҳар кишиға қилса осон ўтгуси мисли шарар.*

*Қиёмат куні пайғамбаримизга ато қилинган Кавсар ҳовузи борлиғи ҳақ. Қиличдан ўткир, қилдин ингичка сирот кўприғи борлиғи ҳақдир. Кимга Аллоҳ осон қилса яшиндек тез ўтиб кетади.*

38) Эй Ғарибий тавба қил юрма бу янгли беҳабар.

*Ташлагил ҳою ҳавасни айлагил дийдангни тар.*

*Эй Ғарибий, ҳою—ҳавасни ташлаб кўзингни ёшла, беҳабар юрмагин.*

39) Ким муонидларға қилғондур муҳайё нор Ҳақ.

*Саркаш ва туғёнға кетувчиларға Аллоҳ дузахни тайёрлаб қўйгандир. (Аллоҳ бизларни дузах азобидан асрасин! ОМИН)*

### Изоҳли луғатлар:

1. Ашё — нарсалар
2. Собит — исботлайди
3. Ҳисси салим — соғлом ҳиссиёт туйғуси
4. Сидқ. — тўғри (рост)
5. Гом — қадам
6. Жузь — бўлак
7. Ҳадис — пайдо бўлган
8. Нўши-олом — шодлик ва ғамгинликлар
9. Муҳдис — пайдо қилувчи
10. Шамс — қуёш
11. Қамар — ой
12. Бўстон — боғ
13. Пур — кўп
14. Шажар — дарахт
15. Анвоъ — навълар, турлар
16. Самар — мева
17. Осор — асарлар
18. Мужид — ижодкор
19. Мунҳасир — чегараланган, чегараловчи
20. Аввал — энг биринчи
21. Қадим — Ундан олдин ҳеч нарса бўлмаган
22. Собиқ — ўзмаган (ўтмаган)
23. Охир — энг кейинги
24. Бо карам — саховат соҳиби
25. Ботин — ички, яширин, зохирнинг зидди
26. Надам — пушаймонлик
27. Жавҳар — қайта бўлинмас бўлак
28. Маҳдуд — чегараланган
29. Мумаккин — бир-бирига қўшилиб таркиб топган
30. Кунҳ — моҳият (асл)
31. Мур — ҷумоли
32. Мағас — паша, чивин
33. Маншаъ — пайдо бўлиш ўрни
34. Маснуъ — ясалган, яратилган
35. Кор — иш
36. Айн — ўзақ, асл, моҳият, кўз, чашма ва ҳок.
37. Файр — бошқа
38. Қоим — турувчи
39. Нек — яхши
40. Бад — ёмон
41. Низом — тартиб (қоида)
42. Самад — беҳожат (Аллоҳнинг сифати)
43. Васф — сифат
44. Завол — йўқолиш
45. Ҳулул — кўчиш, ўтиш
46. Интиқол — кўчиш (ўзгариш)
47. Дол — далолат қилувчи
48. Мурсал — юборилган, элчи, пайғамбар
49. Манбаъ — чиқадаган жой
50. Анвор — нурлар
51. Латиф — юмшоқ, нозик
52. Назиф — тоза (поқ)
53. Шариф — улуғ
54. Малак — фаришта
55. Осий — гуноҳкор
56. Жаннат насими — жаннат шамоли
57. Бовар айлаб — ишониб
58. Васит — кенг
59. Фоний — ўткинчи, йўқ бўлувчи
60. Ҳавзи кавсар — жаннатдаги Пайғамбаримизга ато қилинажак узунлиги бир ойлик масофа бўлган, суви сутдек оқ, ҳиди мушқдан ҳам яхшироқ ҳовуз.
61. Шарар — учқун
62. Муонид — саркаш, тугён қилувчи, инкор қилувчи
63. Нор — олов, дўзах

# شَرْحُ الْأَمَالِي

Қасидаи Омолийнинг шарҳи таржимаси  
(асардан намуна)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

يَقُولُ الْعَبْدُ فِي بَدْءِ الْأَمَالِي  
لِتَوْحِيدٍ بِنَظْمٍ كَاللَّالِي

## 1. Яқулул ʔабду фи бадъил Амоли Литавҳиди биназмин кал лаоли

**Шарҳи:**

- Дегилар нозими фоҳим бу сўзни,  
Анга диққат билан ким солса кўзни.
- Баён айлар сўзи тавҳиди бечун,  
Гуҳарлар, баҳри назми ичра машҳун.
- Худо маъбуду барҳақ анга эй ёр,  
Мунӣ билгай кимики бўлса диндор.
- Самад улдур, ҳамадур анга муҳтож,  
Адамдин барчани ул қилди ихрож.
- Эрур аввал, они йўқ ибтидоси,  
Эрур охир, они йўқ интиҳоси.
- Эрур зоҳир, сифатни ўйласанг сан,  
Вале зотида ботин қилмоғил занн.

اَللهُ الْخَلْقُ مَوْلَانَا قَدِيْمٌ  
وَ مَوْصُوفٌ بِاَوْصَافِ الْكَمَالِ

**2. Илоҳул ҳолқи мавлоно қодимун,  
Ва мавсуфун биавсофил камоли.**

**Шарҳи:**

- Эрур маъбуду барҳақ ул Худованд,  
Анга бўлмас назиру зигду монанд.
- Халойиқни илоҳи ул эрурким,  
Ҳамадандир ани зотиға таъзим.
- Қадимдур ул қадим зотиға собит,  
Адамдигдур муназзаҳ англа қонит.
- Ҳама махлуқиға мавлову молик,  
Кимики бўлмади мундоқ, ҳолик.
- Эрур комил они авсофи бори,  
Эмас мансуб нуқсон бори сори.
- Муқаддас зоти авсофи мубарро,  
Ҳудусу айб бўлмас анда асло.

هُوَ الْحَيُّ الْمُدَبِّرُ كُلِّ أَمْرٍ  
هُوَ الْحَقُّ الْمُقَدِّرُ ذُو الْجَلَالِ

**3. Ҳувал Ҳаййўл мудаббир кулла амрин,  
Ҳувал ҳаққул муқаддир зулжалоли.**

**Шарҳи:**

- Эрур ҳай доимо Ҳақ ҳарғиз ўлмас,  
Ҳаёти васфи — зоти жондин эрмас.
- Жасад жон бирладур ҳайвони мавжуд,  
Булардандур маназзаҳ пок маъбуд.

- Эрур вожиб вужуди Ҳақ таъоло,  
Адам йўл топмоғи зотиға ҳошо.
- Ҳама иш охиридур анга маълум,  
Ки бирни бор айлар, бирни маъдум.
- Ҳама иш — неку бад ондин эрур ким,  
Ўзингни айлағил амриға таслим.
- Муқаддарда на тақдир айлаган ул,  
Бўлур албатта деб, банд айла кўнгул.

مُرِيدُ الْخَيْرِ وَالشَّرِّ الْقَبِيحِ  
وَلَكِنْ لَيْسَ يَرْضَى بِالْمَحَالِ

#### 4. Муридул хойро вашшаррол қобиҳи Ва локин лайса ярзо билмуҳоли.

**Шарҳи:**

- Ирода айлаюр Ҳақ хайру шарни,  
Қулоққа ол бу қавли мўътабарни.
- Наким яхши — ёмон бизлар қилурмиз,  
Анга биз барчага косиб эрурмиз.
- Худо афъолимиз некига хушнуд,  
Ёмониға эмасдур рози маъбуд.
- Яратгай Ул бизинг афъолимизни,  
Билур ҳар неку—бад аъмолимизни.
- Ямон афъолни касби ҳам ёмондур,  
Худовандимға андин не зиёндур.
- Ҳаким ул ҳикмати бор ҳарна ишда,  
Ки яъни неку бадни халқ этишда.

صَفَاتُ اللَّهِ لَيْسَتْ عَيْنَ ذَاتٍ  
وَلَا غَيْرًا سِوَاهُ ذَا انْفِصَالٍ

**5. Сифатуллоҳи лайсат ʔайна зотин  
Ва ло ғайрон сивоҳу занфисоли.**

**Шарҳи:**

- Сифоти Ҳақ ани зоти эмасдур,
- Ва лекин ғайри зоти дема эй нур.
- Қадим англа ани барча сифотин,  
Ки бил тавқифи они барча отин.
- Сифоти лам язал зотиға қойим,  
Булубон мунтабиҳ сан бўлма ноим.
- Сифат зотиган ажралмас ҳамиша,  
Ақоидни билурни айла пеша.
- Сифотида они йўқ ҳеч нуқсон,  
Таноҳи йўқ аларда англа эй жон.
- Эрур комил они барча сифоти  
Завол ўлмас аларда ҳамчу зоти.

صَفَاتُ الذَّاتِ وَالْأَفْعَالِ طُرّاً  
قَدِيمَاتُ مَصُونَاتِ الزُّوَالِ

**6. Сифотуз зоти вал афъолу туррон  
Қадимотун масунотуз заволи**

**Шарҳи:**

- Иродау, ҳаёту, ʔилму, қудрат,  
Яна самъу, басар эй пок тийнат.
- Яна бўлди калом они сифоти,  
Буларни барчасини англа зоти.
- Худойим, Холиқи ашё эрурким,  
Ани зотиғадур махсус таъзим.
- Яратқучи эрур, ул ўлдирувчи,  
Ҳама халқини ризқини берувчи.

- Булар бўлди сифати феълидин бил,  
Бўлак ҳам кўп эрур бе қолу бе қийл.
- Сифоти Ҳақда бўлмасдур заволи,  
Қадимдур барчасигадур камоли.

نُسَمِّيَ اللَّهَ شَيْئًا لَا كَالْأَشْيَاءِ  
وَذَاتًا عَنْ جِهَاتِ السُّتِّ خَالٍ

**7. Нусаммиллоҳа шайъан ло кал ашё  
Завотан ёан жиҳотис ситти холи.**

**Шарҳи:**

- Қилурлар шийъатини ҳаққа итлоқ,  
Вале ашё эмасдур анга мисдоқ.
- Ани маъноси шулким ҳақдур шойи—  
Ки яъни ҳоҳлағувчидур илоҳи.
- На ҳоҳиш этса ул Халлоқи бечун,  
Бўлур ул бетаваққуф эй фалотун.
- Худовандимни дермиз зот билғил,  
Муназзаҳдур жиҳатдан йўқ эрур қил.
- Жиҳотис сит эрур мумкинга лозим,  
На ким мумкинга лозим анга жозим.
- Эрур вожиб таъоло барчадин пок,  
Ки бу маънони яхши айла идрок.

وَلَيْسَ الْإِسْمُ غَيْرًا لِلْمُسَمَّى  
لَدَى أَهْلِ الْبَصِيرَةِ خَيْرَ آلٍ

**8. Ва лайсал исму ғайрон лил мусаммо  
Лада аҳлил басироти хайри оли.**

**Шарҳи:**

- Худовандимгадур асмоу Хусно,  
Деди баъзи кутубда айлаб эҳсо.
- Бўлуб тўрт минг муайян барча оти,  
Муносиб отиға барча сифоти.
- Ки ҳар исмида они минг шараф бор,  
Дилу жонинг била бўлғил харидор.
- Агарчи исми кўпдур, зотидур бир,  
Шериғи йўқ они эй марди нихрир.
- Худо исми мусаммосини айни,  
Буни билмоқ мусулмонлиқни зайни.
- Дегилар аҳли суннатлар бу сўзни,  
Йироқ этма алар қавмидин ўзни.

وَمَا اِنْ جَوْهَرُ رَبِّي وَجِسْمٌ  
وَلَا كُلُّ وَبَعْضُ ذُو اَشْتِمَالٍ

**9. Вамо ин жавҳарун рабби ва жисмун  
Вало куллун ва баъзун зуштимоли.**

**Шарҳи:**

- Худовандим эмасдур жисму жавҳар,  
Та ҳайюздан эрур ул пок яксар.
- Жамиъи жузъу кулдин Ҳақ эрур пок,  
Тасаруф айлаюр ул мулки маллок.
- Қаю шай жисмдур, улдур мураккаб,  
Бўлур таркиби ўз зотиға ансаб.
- Ҳакиму Қодир, Ҳайю, Тавоно,  
Ҳамани айлади қудратла иншо.
- Жамиъи жисму жавҳар ҳаққа муҳтож,  
Ул айлар нурни зулматға ийлож.

- Ки бас эрмас Худойим жисму жавҳар,  
Бу сўзни сидқи дилдан айла бовар.

وَفِي الْأَذْهَانِ حَقٌّ كَوْنُ جُزْءٍ  
بِلَا وَصْفِ التَّجْزِئِ يَا ابْنَ خَالٍ

**10. Ва фил азҳони Ҳаққун кавну жузъин  
Било васфит тажаззи, ябна холи.**

**Шарҳи:**

- Ўшал жузъи қабул этмас тажаззи,  
Ани мо фавқидин айлаб тараққи.  
— Топиб таркиб бўлғай жисм эй нур,  
Булўр мавжуд хорижда они кўр.  
— Вале таркибсиз ул жузъини бил,  
Калом аҳли гедилар англа бу қил.  
— Вужудин ақл исбот этгусидур,  
Агарчи бўлди ул таркибдин дур.  
— Хилоф этди философ ушбу сўзда  
Ҳаёти бирла сурат тутди кўзда.  
— Тажаззи қилмаган жузъ мумтаниъ деб,  
Муроди сори сўзни берди тартиб.

وَمَا الْقُرْآنُ مَخْلُوقًا تَعَالَى  
كَلَامُ الرَّبِّ عَنْ جِنْسِ الْمَقَالِ

**11. Вамал қуръону махлуқан таъоло!  
Каломур рабби ған жинсил мақоли.**

**Шарҳи:**

- Эрур Қуръон Худойимни Каломи,  
Эмас махлуқ оётин тамоми.

- Бўлак сўзларни жинсидан эмасдур  
Сифоти зотисидиндурки машхур.
- Каломи нафсиси зотиға қойим,  
Завол ўлмас ҳамиша анга доим.
- Қадим деб эътиқод эт, дема ҳодис,  
Қиём ўлмас Худойимға ҳаводис.
- Қироат бирла нақшидурки мактуб,  
Булар махлуқдур албатта, эй хўб.
- Ҳулул этмас каломи нақши ҳаргиз,  
Буларға ушбунни бовар қилингиз.

وَرَبُّ الْعَرْشِ فَوْقَ الْعَرْشِ لَكِنْ  
بِلَا وَصْفِ التَّمَكُّنِ وَاتِّصَالِ

## 12. Ва раббул ʔарши фавқал ʔарши локин, Било васфиттамаккуни ваттисоли.

### Шарҳи:

- Худовандим яратди Арши Аъло,  
Ани айлаб муҳити барча ашё.
- Эрур Холиқ ҳам англа Молик,  
Ки сан фавқият исбот этма солик.
- Тасарруф айлаюр ул Арши аъзам,  
Қачон етгай бу амра фаҳми Одам.
- Халафлар «Иставо»ни қилди таъвил,  
Ки «Иставло ʔалал ʔарш»ига бе қийл.
- Вале тафвиз қилдилар Салафлар  
Муродин Ҳақ билибон қилди бовар.
- Тажассус айламасдан айла тафвиз,  
Вагарна, етгуси кўнглингга тамриз.

وَمَا التَّشْبِيهُ لِلرَّحْمَانِ وَجْهًا  
فَصُنْ عَنْ ذَاكَ أَصْنَافَ الْأَهَالِ

**13. Вaмaттaшбixи лиррaҳмoни вaжҳaн,  
Фaсун ʔaн зoкa aснoфил aҳoли.**

**Шарҳи:**

- Худовандимға йўқ ташбиҳига йўл,  
Кими ташбиҳ қилди бўлди маъзул.
- Хусусан ӯҳшaмaс бир нaрcағa ҳeч,  
Ҳoмa муҳтoж aнгa эртaю – кeч.
- ʔaкиму мутлoқ улдур, мисли йўқдур,  
ʔaшaббуҳдин ӯзингнi айлағил дур.
- Худoғa ӯҳшaмaс ҳaм ҳeч бир шaй,  
Муназзaҳ пoк бундaн Хoлиқи Ҳaй.
- Муaттил бўлмa ,нaфӣ этмa сифoтин,  
Тилингдaн қўймa доим исми зoтин.
- Дилингнi этмaғил ҳaр ён рaвoнa,  
Тoяр eрғa бoриб тaйрилмa ёнa.

وَلَا يَمْضِي عَلَى الدِّيَانِ وَقْتُ  
وَأَزْمَانُ وَأَحْوَالُ بِحَالِ

**14. Вaлo ямзи ʔaлaддaйяни вaқтун  
Вa aзмoнун вa aҳвoлун бixoли.**

**Шарҳи:**

- Зaмoну вaқт бўлмaс Ҳaққa жoри,  
Aлар ҳoдис эрур хaлқ этти бoри.
- Зaмoндур мухтaлиф aҳвoли бирлa,  
Музийю ҳoлу истикбoли бирлa.

- Сифатдур ҳоли истиқрорсиздур,  
Тафосили мутавваллардадур кўр.
- Замону ҳолу ҳам вақти муайян,  
Самад муҳтожидур ҳар турфатул ʔайн.
- Нечук бўлғай Худо онларға муҳтож,  
Кудуратни дилингдан айла ихрож.
- Ҳаводисдин, тоғайюрдин Худо пок,  
Берур ул қатраи обиға идрок.

وَمُسْتَغْنٍ إِلَهِی عَنْ نِسَاءٍ  
وَأَوْلَادٍ إِنَاثٍ أَوْ رِجَالٍ

**15. Ва мустағнин илоҳи ан нисоин,  
Ва авлодин иносин ав риждоли.**

**Шарҳи:**

- Зану фарзанддин Халлоқи бечун,  
Муназзаҳдур бу сўз Қуръонда машхун.
- Худоға бўлмағай ҳаргиз баробар,  
Шаййи махлуқидин англағ бародар.
- Бу маъни сураи Ихлоса мантуқ,  
Бунга мункир бўланларда хирад йўқ.
- Ки бундин мунфаҳим радди насоро,  
Худоға банда — Марям бирла Ийсо.
- Ёмоқ—ичмоққадуру муҳтож онлар,  
Агарчи мурдаларға берди жонлар.
- Ва лекин эрмас Ийсо қудратидин,  
Худо кўрсатти Ийсода табиъин.

كَذًا عَنْ كُلِّ ذِي عَوْنٍ وَنَصْرٍ  
تَقَرَّدَ ذُو الْجَلَالِ وَ ذُو الْمَعَالِي

**16. Казо ʔан кулли зи ʔавнин ва насрин,  
Тафарруд зулжалоли ва зул маʔоли.**

**Шарҳи:**

- Ганидур ҳазрати Ҳақ оламиндин,  
Юборди ваҳйини руҳил аминдин.
- Ҳабибиға Худойи ло язол ул  
Ани аҳкоми бизға роҳи мақбул.
- Худовандимға йўқдур ʔавну носир,  
Ионатга бўлур муҳтожу қосир.
- Эрур Ҳақ Қодиру, Ҳайю Тавоно,  
Самиъу ҳам Басиру неку доно.
- Самаддур эҳтиёжи бўлмас асло,  
Анга муҳтождурлар барча ашё.
- Худо бир, икки деб қилма гумони,  
Гумонлик топмагай ҳаргиз амони.

يُمِيتُ الْخَلْقَ قَهْرًا ثُمَّ يُحْيِي  
فَيَجْزِيهِمْ عَلَى وَفْقِ الْخِصَالِ

**17. Юмитул халқа қаҳрон сумма юҳйи,  
Фаюжзийҳим ʔало вақфил хисоли.**

**Шарҳи:**

- Эрур ҳақ бўлғуси рўзи қиёмат,  
Ани ҳақ билмаган қилғай нагомат.
- Қиёмат қойим ўлмоққа етушса,  
Ҳафлойиқ еру–кўкка ларза тушса.
- Худойим ўлдирур ҳар зи нафасни,  
Тирик қўймас жаҳонда ҳеч касни.
- Жалолийят била қилғай тажалли,  
Ҳама мавлоға ҳукм ўлган маҳалли.

- Жамолият бирла ул ҳайю бечун,  
Тирилтиргай ҳама халқини ул кўн.
- Берур қодир амалларни жазоси,  
Дилингни нарм қилгил, бўлма қоси.

لَا هَلْ الْخَيْرِ جَنَاتٌ وَ نَعْمَى  
وَلِلْكَفَّارِ إِدْرَاكَ النُّكَالِ

### 18. Лиҳаҳлил хайру жаннотун ва нуъмо Ва лилкуффори идрокун наколи<sup>1</sup>.

#### Шарҳи:

- Эрур жаннат тақиларға муҳайё,  
Суюклик қуллариға жойу маъво.
- Кимини айласа ҳоди иноят,  
Анга во этгусигур боби тоат.
- Агар фазлиға олса бандасин Ҳақ,  
Қилодур қайди ғамдин они мутлоқ.
- Бериб жаннат саройин этгай икром,  
Қусуру ҳурларни айлар инъом.
- Худо адлини бўлди муқтазоси,  
Ҳама куффорни дўзах жазоси.
- Паноҳ берсун Худойим ул макондин,  
Бўлуб каж қолмагин роҳи амондин.

#### ОМОЛИЙ ҚАСИДАСИГА ЛУҒАТЛАР

- |                                  |                                                       |
|----------------------------------|-------------------------------------------------------|
| 1. Тавҳид — Аллоҳнинг<br>бирлиги | 4. Фи бадъил амоли — Омоли<br>қасидаси ҳақида         |
| 2. Яқулу — айтади                | 5. Литавҳиди биназмин -тав-<br>ҳид ҳақидаги назм учун |
| 3. Абд — банда                   |                                                       |

<sup>1</sup> 57 байтдан иборат қасиданинг асл матни шоир томонидан тўлиқ ҳолда таржима этилган ва нашр қилиниш арафасида турибди. (Сайфиддин Сайфуллоҳ).


6. Каллаоли — гўё маржондек
7. Нозими фоҳим — тушунти-  
рувчи, назм этувчи
8. Баҳри назм ичра машҳун —  
Назм денгизи ичра тўла гав-  
ҳарлар
9. Маъбуди барҳақ — Ибодатга  
лойиқ зот.
10. Самад — беҳожат
11. Адам — йўқлик
12. Ихрож — хориж қилиш,  
чиқариш
13. Ибтидо — бошланиши
14. Интиҳо — охир, поён
15. Зоҳир — ташқи
16. Ботин — ички
17. Илоҳул халқи — халқни  
яратувчи (Аллоҳ)
18. Биавсофил камоли — ка-  
молот сифатлари ила сифат-  
лангандир.
19. Назир — тенгсиз, ўхшашсиз
20. Собит — ўрнашган
21. Муназзаҳ — пок
22. Мунқод — эргашмоқ, бўй-  
ин эгмоқ
23. Мубарро — пок, муназзаҳ
24. Мудаббир — тадбир қилувчи
25. Муқаддар — тақдир қилувчи
26. Зулжалол — улугʻлик со-  
ҳиби (Аллоҳ)
27. Маъдум — йўқ
28. Таслим — бўйсунмоқ
29. Муридул хайро — яхши-  
ликни ирода қилувчи.
30. Вашшаррол қобиҳи — Ху-  
нук (ёмонлик)дан қайтарувчи
31. Лайса ярзо билмуҳоли —

- (Аллоҳ) гуноҳ ишларга рози  
бўлмайди.
32. Афъолимиз некига хушнуд —  
савобли ишларимизга хурсанд
  33. Сифатгуллоҳи лайсат ʻай-  
ни зотин — Аллоҳнинг си-  
фатлари айни зоти эмас.
  34. Ва ло ғайро сифотун ин-  
фисоли — Ва сифати зоти-  
дан ҳам айри эмас.
  35. Лам язал — доим бўлувчи
  36. Мунтабиҳ — Огоҳ
  37. Ноим — ухловчи
  38. Таноҳи — тугаб қолиш
  39. Ирода — хоҳиш
  40. Ҳаёт — тириклик
  41. Илм — билим
  42. Қудрат — қодирлик
  43. Самъ — эшитиш
  44. Басар — кўрмоқ
  45. Холиқи ашъ — нарсалар-  
ни яратувчи
  46. Мисдоқ — тасдиқловчи
  47. Ҳақдур шои — Ҳақ хоҳ-  
лагувчидур.
  48. Таваққуфсиз — тўхтовсиз
  49. Асмои Ҳусно — (Аллоҳу  
таолонинг) чиройли исмлари
  50. Марди нихрир — Ақли  
киши
  51. Таҳайюздан эрур ул пок  
яксар — Аллоҳу таоло яшаш-  
га яроқсиз бўлишдан, фоний  
бўлишдан мутлақо покдир.
  52. Тасарруф — бошқармоқ
  53. Тажаззи — бўлак-бўлак  
бўлиш.
  54. Жузь — бўлак.

55. Мо фавқ — устида.
56. Тараққи — кўтарилмоқ, юқори чиқмоқ, юксалмоқ.
57. Мумтаниъ — мумкин эмас, манъ этилган
58. Завол ўлмас — йўқолмас.
59. Ҳодис — кейин пайдо бўлган
60. Ҳаводис — ўзгариш
61. Ҳулул — ўзгасига кўчиш
62. Фавқийят — юқорилик.
63. Тасарруф қилмоқ — бошқармоқ, эга бўлмоқ
64. Иставо — баробар бўлди.
65. «Иставло алал Арш» — Аршни ўраб олди, Аршга валийлик, ҳукмронлик қилди.
66. Салафлар — ўтганлар, мутақаддиминлар
67. Тажассус — жосуслик, чуқур ўйламоқ
68. Тамриз — касалланиш, эътиқод бузилиши
69. Ташбиҳ — ўхшатиш.
70. Муаттал — бекор.
71. Мухталиф — ўзгариб турувчи.
72. Мозию ҳоли истиқболи бирла — яъни ўтган, ҳозир келажаги билан
73. Истикрорсиздур — қарор топувчи эмас
74. Тафосили мутававал — узун тафсилотлар, шарҳу изоҳлар
75. Тарфатул айн — кўз очиб юмгунча, қисқа бир фурсат
76. Тағайюр — ўзгариш
77. Мантуқ — айтилган
78. Хирад — ақл
79. Тафарруд — ягона
80. Рухил амин — ишончли Рух — Жаброил (ас).
81. Ионат — ёрдам
82. Барча ашё — ҳамма нарса
83. Зи нафас — жонивор нафаси, яъни жони бор ҳар бир нарса
84. Жалолийят — улуғлик, қаҳр
85. Тажалли — кўриниш бермоқ, жилва қилмоқ
86. Жамолият — гўзаллик, юмшоқлик
87. Ҳаййи бе чун — тирик ва ўхшашсиз бўлган (Аллоҳ)
88. Нарм — юмшоқ
89. Қоси — қўпол, қаттиқ
90. Тақилар — тақводорлар
91. Маъво — манзил
92. Анга во этгуси — унга очилгуси
93. Қайди ғам — ғам тузоғи.
94. Каж — қийшиқ
95. Роҳи Амон — иймон йўли.

## مناجات

الهى انت ربى ذوالجلال  
الهى انت معط للنوالى  
انا العبد الضعيف فى حيا تى  
حصولى كان طرا بالو بال  
وان لم ترحم انت يا الهى  
فلا ادرى يكون كيف حالى  
انا المسكين انت الله حسبى  
اغثنى من جميع السوء بال  
و نوره بعرفان انالى  
به المقصود من امر الكمال  
توسلت برسل كلهم بل  
توسلت بمن هو ذوالجمال  
حبيب قدره عندك عظيم  
نبى شأنه فى الامر محال  
وبالاصحاب والاحفاد جمعا  
فهم اهل العظام كل حال  
انا العبد الغريب عند بابك  
تقبل فاعف عنه فى المال



## Муножот

Илоҳи анта рабби зулжалоли,  
Илоҳи анта муътин линнаволи.  
Анал абдуз заифу фи ҳаёти  
Ҳусулий кона турран билвубали.  
Ва ин лам тарҳам анта ё илоҳи,  
Фало адри якуну кайфа ҳоли.  
Анал мискину антАллоҳу ҳасбий,  
Ағисни мин жамиъис суъи боли.  
Ва наввирҳу биъирфонин иноли  
Биҳил мақсуду мин амрил камоли.  
Тавассалту бируслин куллуҳум бал,  
Тавассалту би ман ҳу зулжамоли.  
Ҳабибун қадруҳу индак азимун,  
Набийюн шаънуҳу фил амр муҳоли.  
Ва бил асҳоби вал аҳфоди жамъан,  
Фаҳум аҳлул изоми кулла ҳоли.  
Анал абдул Ғарибу инда бобик,  
Тақоббал фаъфу анҳу фил маоли.



Илоҳи, сен менинг улуғлик соҳиби —  
Парвардигоримсан,  
Илоҳи, сен эҳсону ҳадялар бергувчисан,  
Мен ҳаётимда сенинг заиф бандангман,  
Етишган нарсам фақат ҳалокат бўлди,  
Раббим, агар ўзинг раҳм этмасанг,  
Ҳолим не бўлишини билмасмен,  
Мен ҳеч вақоси йўқ бечораман  
Сен Аллоҳим — менинг кифоя қилувчимсан,  
Менга қалбимдаги ёмонликлардан ёрдам бер  
(қутқар).

Маърифатинг билан қалбимни ёрит,  
ШУ билан камолга етиш мақсади ҳосил бўлади,  
Элчиларнинг (пайғамбарларнинг) барчасини,  
балки  
Улуғлик эгаси пайғамбаримизни васила қилдим,  
У зот ҳузурингдаги олийқадр Ҳабибингдир,  
Ҳар қандай қийин ишнинг қаршисида У —  
шаъни юксак пайғамбардир.

Саҳобалари, набираларининг барчаси  
Ҳар қандай ҳолда улуғлик эгасидирлар.  
Мен эшигингдаги Ғариб бандангман,  
Уни қабул қил, Қиёматда унинг (гуноҳини)  
кечир!



*Арабийдан Абдувоҳид Самарқандий таржимаси*

## Наът

Адашган осини айланг ҳидоят ё Расулаллоҳ,  
Ки бу дил порага айланг иноят ё Расулаллоҳ,  
Узоқ туштум жамиъи раҳбаримдан мен бу фурсатда,  
Очинг бу хастага боби дируют ё Расулаллоҳ.  
Қолиб дашти жаҳонда нетарим билмай юрурман мен,  
Тиларман руҳингиздин мен шарофат ё Расулаллоҳ.  
Жамиъи йўлда қолганларни элгидан тутарсиз Сиз,  
Тутинг элгимни ҳоирман бағоят ё Расулаллоҳ.  
Васила айлабон Сизни нечалар топдилар мақсуд,  
Беринг мақсуддин менга башорат ё Расулаллоҳ.  
Ики оламини шоҳисиз шаҳаншоҳлар гадойингиз,  
Гадодин илтижодир барча соат ё Расулаллоҳ.  
Улуғдир даргоҳингиз айламанг навмид бу қулни,  
Агарчи бўлса ҳам аҳли фароғат ё Расулаллоҳ.  
Ҳабиб айлаб Сизи Ҳақ қосими фазлу ҳудо қилди,  
Ҳукми манбаи айни ифодат ё Расулаллоҳ.  
Ғарибийи наҳифи ожизу афтода мискинга,  
Ями таҳқиқдан айланг каромат ё Расулаллоҳ.



## Қирқ фарз ҳақида манзума

Эй мусулмонлар қилай қирқ фарзни сизга баён,  
Бешдур исломда, иймонда етти бегумон,  
Ғуслда учдур, таҳорат ичра тўртдур билсангиз,  
Тўрт таяммумда, намоз учун ўн иккидур аён,  
Амри маъруф, наҳйи мункар, илм ўрганмоқ бири,  
Ҳайз илми ҳам нифос илмини бил, эй нуктадон.



## ҒАЗАЛЛАР

Алим<sup>1</sup> олинг йўлда қолдим ё Расул,  
Билмаюрман қайсидурким ўнгу сўл.

Ўтди умрим барчаси ғафлат била,  
Мунтабиҳ бўлмай юродурман ҳамул.

Саййидо, сиздин тиларман интибоҳ  
Токи раҳмат манға қилғайму нузул.

Шамси ақлимни зиёси қолмади,  
Ҳажрни шоми аро қилди уфул.

Кору боримни саботи бўлмади,  
Илмсиз қолдим улус ичра жаҳул.

Даргоҳингиздан элтадурман умид,  
Айламай рад арзими айланг қабул.

Бир карам ила ҳидоят қилсангиз,  
Бу Ғарибийни муроди бўлди шул.

1. Ал — қўл



Диёнат маснадида собит ўл, бўлсин Худо рози,  
Башар насли эурсан айлагил Одам Ато рози.

Малаксиймо бўлубон таплагил васфи баҳойимни,  
Муҳаббат жомидан ичган кишидан анбиё рози.

Ташаббус айлагил зайли сунан чун урватул вусқо,  
Етарсан мақсадингга руҳи поки Мустафо рози.

Садоқат пеша бўлғил токи бўлсин Ҳазрати Сиддиқ,  
Ҳабибуллоҳ ёри аввали ул босафо рози.

Адолат путасини боғла маҳкам токи бўлғайлар,  
Икинчи ёри ҳазрат ул Умардек пешво рози.

Ғанимат бил шабобингни, қилма ҳаргиз беҳаёликни,  
Ки бўлғайлар шаҳи Усмон ул соҳибҳаё рози.

Футувват узра андоқ собит ўлким, ўлмасун нуқсон,  
Бўлурлар илм кони ул Алийюл Муртазо рози.

Ики сибтайни ҳазрат нури айни Алидурлар,  
Ҳасандек пок тийнат, ул Ҳусайни Карбало рози.

Аимма бу Ҳанифа Шофиъи Молик била Ҳанбал,  
Тузатгил ўзни то бўлсин жамиъи асфиё рози.

Ғарибий яхшиларни йўлидин ҳаргиз йироқ ўлма,  
Кимиким муттақийдур изларидин авлиё рози,



Эй биродар кимки дунёга келур,  
Вақти етгач турмайин, бир дам кетур.  
Ҳар киши ёдига олса ўлмогин,  
Қилмагай бу фони дунёда ғурур.

Барчага билсанг баробардур ўлум,  
Шоҳ бўлсин, хоҳ гадо бир кун ўлур.  
Салтанат тахтига минганлар қани?  
Бил жамиғини қўйунга олди ғўр.

Ҳазрати Одам Атомиз ўтдилар,  
Фикр қилғил бор эса сенда шуъур.  
Анбиёи мурсалинларни бари,  
Қилдилар бу фоний оламдин убур.

Ушбу дунёда киши қолса эди,  
Қолгай эрди дўсти Ҳайи Гаффур!  
Авлиёу асфиёдин бирлари,  
Қолгани дунёда бордирму гапур?

Бир азиз бор эдилар халқ аро,  
Барчага нурул ҳудо айни сурур.  
Қолдилар аҳбоблар нолон ҳама,  
Рожиғини руъятаҳ явмун — нушур.

Тарихин сурди Ғарибий ақлдин,  
Айди «бе воҳ» ғойиб ўлди кони нур.  
Жомиғи усулу ҳовии фуруъ,  
Ҳар дақоиқ олдида эрди зуҳур.

Оҳким ушбу жаҳондан ўтдилар,  
Баррадаллоҳ қаброҳу байнал қубур.



### Мухаммаси Ғарибӣ бар ғазали Ҷомӣ

Илоҳӣ олими ту ҷумлаи сирри ниҳонамро,  
Зи ҳад афзун гуноҳам, деҳ роҳи ғмонамро,  
Зи худ афтодаам ман, ҷоҳилам сӯду зиёнамро,  
Худовандо, балутфи хеш гӯё кун забонамро,  
Бадийдорат мушарраф кун ду ҷашми  
хунфишонамро.

Баҷуз комӣ зи ман бигашт аксар моҳу ҳам солам,  
Маро таъсир нокарда шунидӣ қилу ҳам қолам.  
Бидеҳ фатҳе, бибахшо иқтибоси файз бо ҳолам,  
Маро аз шавқи худ монанди Адҳам кун дарин олам,  
Бисӯз аз ишқи худ то пӯсти мағзи устихонамро.

Заъифу ожизу фурсуда дар роҳмонда беморам,  
Роҳам дурасту мушkil чун натарсам ман гарон борам.  
Надорам ҷуз дари ту малжаи рӯ бо кучо орам,  
Агарчанди гуноҳкорам, умидӣ мағфират дорам,  
Ба ҳаққи Саййиди олам ато кун он ҷаҳонамро.

Зи ту бо оқилон миръоти қудрат жумла баҳру бар,  
Баҳалқат мешавад мансуб феъли абди хайру шар,  
Агарчи тоати лойиқ надорам бо карам бингар,  
Ба вақти ҷон супурдан деви малъун оядаш бар сар.  
Зи ҷанги он лаъин ё Раб, нигоҳ дори имонамро.

Каримо, кун ҷамиғи муъминонро оқибат маҳмуд,  
Ҳазину зору муҳтоҷам кушо бо ман дари мақсуд,  
Бағафлат муҳтаҷибам қурбати баҳши зи лутфу ҷуд,  
Ба ҳаққи зоти поки худ ба ҳаққи ҳашт сифоти худ,  
Даруни Ҷаннатул маъво муяссар кун маконамро.

Раҳимо, раҳматат омаст ўро нест инкорам,  
Бирези қатраи бо ман агарчанди хатокарам,  
Гариби останат ҳастаму бо ачз иқрорам,  
Ман он бечораи Ҷомӣ умиди мағфират дорам,  
Раҳо кун аз сақар ё Раб, ту ҳисми нотавонамро.



Илоҳи, Сен ҳамма яширин сирларимни  
билгувчисан,  
Гуноҳим ҳаддин ортиқдур омонлик йўлини бер,  
Ўзимдан кетдим мен фойда — зиёнимни  
билмасмен,  
Парвардигоро, ўз лутфинг ила тилимни гўё қил,  
Икки қонли кўзимни Ўз дийдоринг билан  
мушарраф қил,  
Менинг кўп ойу йилларим, орзу истакларим  
ҳавосида ўтди.  
Менга эшитганларим таъсир қилмади.  
Менга фатҳу нусрат ато этиб, ҳолимга галаба —  
файз бер.  
Мени ўз шавқинг ила бу оламда Адҳамдек қил  
Ўз ишқинг билан теримни — ю, суягимни мағз —  
мағзигача куйдир,  
Ожизу — заифу ташландик, йўлда қолган беморман.  
Йўлим узоқ ва мушкил, мен қўлимдагини  
олдиришдан нега қўрқмаяпман?  
Сенинг эшигингдан бошқа бош урар жойим йўқ,  
қаерга ҳам борай?  
Агарчи гуноҳкор бўлсам — да, мағфиратингдан  
умидим бор,

Саййиди Олам — пайғамбаримизнинг ҳаққи  
 ҳурмати охиратимни обод қил,  
 Оқилларга денгизу қуруқликдаги бор нарса сенинг  
 қудратинг оинасидур  
 Банданинг барча яхши — ёмон амали сенинг  
 яратишингга (тақдирингга) мансубдир  
 Агарда сени даргоҳингга лойиқ тоатим бўлмаса  
 ҳам карамингла менга боқ  
 Жон берар вақтда бошимга шайтони лаъин  
 келганида,  
 Эй Раббим, ўша лаъин чангалидан иймонимни  
 амон сақла.  
 Эй Карамли зот, ҳамма мўъминларнинг  
 оқибатинин хайрли қил.  
 Фамгин — зору, муҳтожмен, менга мақсадлар  
 эшигин очгил.  
 Фафлат билан ўралганман ўз лутфу караминг билан  
 яқинлик бахш эт.  
 Ўз зоти — покинг, саккиз сифатинг ҳурматидан  
 Жаннатул — маъво ичидан маконимни муяссар  
 қил.  
 Эй меҳрибон Зот, Сенинг раҳматинг умумийдир,  
 инкор этмасмен.  
 Агарчи хатокор бўлсам — да, раҳматингдан бир  
 қатрасини манга ҳам насиб қил.  
 Остонангнинг Ғарибидурман ва ожизлигимга  
 иқрорман.  
 Мен бечора Жомий мағфиратингдан умидворман,  
 Ё Раб, сен нотавон жисмимни дўзахдан йироқ қил!

*Форсийдан Абдувоҳид Самарқандий таржимаси*



### Навоий ғазалига Ғарибий мухаммаси

Тут ғанимат, бўлмағил сен вақти меҳмондин малул,  
Андағи етган сенга андақ паришондин малул,  
Хаста бўлганлар бўлодур доғи ҳижрондин малул,  
Эй кўнгул, бу навъ ўлубман аҳли даврондин малул,  
Ким эрурмен, кимки андин яхши йўқ, андин малул.

Телбалар янгли эрурманким жаҳон нетсун мени,  
Ерға бағримни берибман осмон нетсун мени,  
Ястанурман кўйида аҳли замон нетсун мени,  
Ҳажр аро бу давр нетай мен жонни, жон нетсун мани,  
Ким эрур ҳар лаҳза мендин жон, мен жондин малул.

Ҳасратим сонсиз эрур вақтим етушмас биттали,  
Ҳайрат афзолиқдаман осон эмас беркиттали,  
Бошима душман маломатдин аламни тиккали,  
Тангри халқ этмиш мани гўё маломат чеккали,  
Бир дами йўқким эмасмен аҳли даврондин малул.

Ҳар қаю амриға иқдом айлабон азм айласанг,  
Ҳар нечук ўзини билмаслар сўзиға бўлма танг,  
Тегса ҳам тири маломат айлаб ўзни мисли санг,  
Истасанг мақсад қадам қўй таън нишидан не танг?,  
Каъба тропти бўлмаған хори муғилондин малул.

Йўлда қолгонсан ҳама ортуқ кўрар сендан ўзин,  
Учрасанг сенга боқишдан ор этиб юмгай кўзин,  
Ўлтириш бўлсанг гафурмаслар сенга сўзлар сўзин,  
Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсти душманлар юзин,  
Кўрмас эрди бўлмаса сен зори ҳайрондин малул.

Бўлмағил мағмум кўргандин улусдан кўбу оз,  
Яхши қулларга маломат эшигидур боз — боз,  
Эй Ғарибий, бил ҳақиқатни йўли эрмиш мажоз,  
Эй Навоий, туз Ироқ оҳангини кўргуз Ҳижоз,  
Ким Навоий хотири бўлмиш Хуросондин малул.



### Ҳазиний ғазалига Ғарибий мухаммаси

Дилимни муниси аҳли ҳидоят қилмасам бўлмас,  
Ўзимни ходими соҳиб диroyат қилмасам бўлмас,  
Миниб ҳиммат отин тарки фароғат қилмасам бўлмас,  
Гуноҳга тавба айлаб эмди тоат қилмасам бўлмас,  
Хатою маъсиятларга надомат қилмасам бўлмас.

Эшитмай ҳақ суҳанни ўтди умрим гўш карликда,  
Тижорат суди ўрнига ҳама кони зарарликда,  
Етиб вақти қарилик кору борим бесамарликда,  
Абас ўтди йигитлик, сад дариғо беҳабарликда,  
Ғаниматдур тирикликда риёзат қилмасам бўлмас.

Ётурмиз кеча — кундуз хоби ғафлат бирла бепарво,  
Гуноҳим кўп эрур йўқ тоат этмоқ ҳиммати асло,  
Нетурман тоатим йўқтур табаҳ иш менда кўп аммо,  
На юз бирла борурмиз тухфасиз Ҳақ қошига фардо,  
Ҳаётим борича энди ибодат қилмасам бўлмас.

Гуноҳ бирла ўтуб умри азизим йўқ пушаймоним,  
Тоғиб тавфиқу тавба бирла ўтсам йўқдур армоним,  
Тазарруъда, надоматда чиқарсам оҳу афғоним,  
Сулуким қодирия раҳбаримдур пиру пироним,  
Саҳарлаб зарби иллолоҳни одат қилмасам бўлмас.

Жафо жонимга қилдим маъсият қайдини беркитим,  
Агарчи яхши сўзларни жаҳонда кўплаб эшитдим,  
Вале менга ҳаво ғолиб бўлубон онқадар кетдим,  
Юруб нафсим учун шул вақтгача тоатни тарк эттим,  
Қаноат шаҳрига бориб тижорат қилмасам бўлмас.

Баҳойимдек емоқ ичмоққа дилдур мойили лаззат,  
Бу боисдин тополмасман ибодат қилгали фурсат,  
Ётурман маъсият лойига ботиб бир неча муддат,  
Фужуру фисқу исёним ҳалойиқлар аро шуҳрат,  
Мадина, Маккагуллоҳни зиёрат қилмасам бўлмас.

Ғарибийни ўтур умри ҳамиша беафариқда,  
Ғуноҳи касратидин доимо хуни жигариқда,  
Дили қолиқ, улусни ўртасида беақариқда,  
Эгосиз ит каби умрим ўтодур дарбадариқда,  
Ҳазиний ихтиёр энди ҳижрат қилмасам бўлмас.



Агар жумла жаҳонам ҳасм гарданд,  
Натарсам чун ниғаҳбонам ту бошӣ,  
Зи шодӣ дар ҳама олам нагунҷам,  
Агар як лаҳза ғамхорам ту бошӣ.



*Агар жумла жаҳон (ҳалқи) душманам бўлсалар ҳам,  
Сен асрагувчим бўлсанг ҳеч нарсадан қўрқмайман,  
Агар бир лаҳза сен ғамхорим бўлсанг,  
Шодлиқдан бутун оламга сиймайман.*



### Шавқий ғазалига Ғарибий мухаммаси

Аё муслим, дилингни мазраъига қил нигоҳбонлиқ,  
Қилиб тоза ани Ҳақ зикри бирла айла деҳқонлиқ,  
Таваққуъ айла ҳалли мушкулинг ким бўлса эҳсонлиқ,  
Умид этмоқ вафо ҳар сифладиндур айни подонлиқ,  
Деса бўлгай топилмас аҳди ёлғонларда инсонлиқ,

Биродар собит ўлғил, ҳар қайу амрига урсанг қўл,  
Кимики бўлҳавасдур, мақсади сори тополмас йўл.  
Толай десанг ризойи Ҳақни булдур рутбаи мақбул,  
Вафо аҳдингга айла, қавл ила феълингга содиқ бўл,  
Мунофиқлик нишонидур кишида аҳди ёлғонлиқ.

Они ёдини жоним, келса қўлдан қўймағил они,  
Гулистони сафога кимки кирди йўқдур армони,  
Ғаму шодига яксон бўлки, бундоқ бўлмаган жони,  
Бу фоний дунёдин ғамсиз кетарни йўқдир имкони,  
Бўлур ҳар кимсани таъйига боқсанг бир паришонлиқ.

Ажаб санъатки баъзи даҳр ичра баркамол ўлғай,  
Нечалар топмайин беҳбудликни поймол ўлғай,  
Ҳаводис боисидин баъзиларни қадди дол ўлғай,  
Қалам ёзган қадардин саъй ила ўтмак муҳол ўлғай,  
Нигин тутмоқ била ҳар кимса тошгайму Сулаймонлиқ?

Халиқ ўлғил Ғарибий, кўшиш эт, некони хушхудек,  
Йўлингга уқбалардур кўб, ҳам борик эрур мўдек,  
Ёниб қилмишларингдин тавба қил ёшинг оқиз жўдек,  
Дилингни рост тутгил зоҳиру ботинда бўл судек,  
Аё Шавқий, будир фаҳм айласанг расми мусулмонлиқ.



### Темурхон Эшон вафотига марсия

Бу жаҳонни айламанг доруссурур,  
Нўшини ортида заҳри бордур.

Даҳр бозорини савдоси учун,  
Кимки келди охири бир кун кетур.

Анбиёларни жамиъи ўтдилар,  
Қолдиларму боиси халқи зуҳур.

Яъни ул хатмур — русул кони сафо,  
Мустафоким, шофеъи явмун нушур.

Авлиёлар, асфиёлар, поклар,  
Ўлмайин қолгани бордурму гапур?

Оҳким, бу асримизни равнақи,  
Бор эдилар бир азизи кони нур.

Саййидул халқ эрдилар даври аро,  
Кимки кўрди, суҳбатин топти зуҳур.

Гулситони маърифатни булбули,  
Урватул вусқо эди динда ғойур.

Нораво айтмоқ улуғлар отини,  
Лек бўлғай баъзи аҳёнан зарур.

Тойири файз ошён пири ҳудо,  
Номи поки саййид Эшони Темур.

Бир минг ила уч юзу олтмишла бир,  
Ўтган эрдиким Худо сунъини кўр.

Рўзи панжшанба нидойи «Иржиъи»,  
Эшитиб тавъан ила рабби Ғафур.

Руҳи поки азми фирдавс айлади,  
Жумъа кун жисмин қўйинга олди гўр.

Жумлаи атрофдин келди улус,  
Таъзия тутдилар авому шуҳур.

Ҳасрато, деб кўп надомат қилдилар,  
Жамъ турган халқдин кетди шуур.

Тобутини орқасидин эргашиб,  
Очилурму деб кўзини тутди кўр.

Турбатини ким зиёрат айласа,  
Руҳи қудсиси анга баҳра берур.

Эй Ғарибий, марқадиға юзланиб,  
Мустаъин ўлсанг ионат етказур.

Шукри лиллаҳ, қолди авлоди анинг,  
Кимқи мухлис бўлса осори бўлур.

Нурини сочган улусға шайхи пир,  
Дедилар таърихи «Ғилмон ила ҳур».



## **Эшони Сайиджонга бағишланган мувашшаҳ марсия**

Эй ёронлар тинглангизлар айлайин арзим баён,  
Ушбу дунёдан ўтарлар жумлаи хурду калон.

Фаҳм қилсанг ушбу дунё донига арзимас,  
Не учунким бевафодур айласанг эй нуктадон.

Бу ўтар дунё учун бир — бирга душманлик йўлин  
Тузмангизлар ўтгусидур барча яхшию ямон.

Ҳазрати Одам ато, момо Ҳавомиз ўтдилар,  
Қолдиларму анбиёи мурсалинлар, эй фалон.

Хоса ул шоҳи русул яъни Муҳаммад Мустафо,  
Кетдилар турмай ўшал пайғамбари охир замон.

Чориёримиз, ҳама асҳоби пайғамбар бари,  
Кетдилар бу фони дунёдин ҳама пиру жувон.

Соҳиби кашфу каромат авлиёлар ўтдилар,  
Қолдиларму жисму жонидан топармусан нишон.

Оҳким ушбу замонда Нуратода бор эди,  
Ҳодии халқу сахиййу тойири файз ошиён.

Даргоҳинда файз истаб ястанурдилар улус,  
Исми Сайиджон эди содоти жисми ичра жон.

Файзу эҳсони улусга барчага арзон эди,  
Жумлага яхши — ямонга берур эрди ошу нон.

Хулқи хушда нодири аср эрдилар ул нек зот,  
Ҳарна бўлган илмига эрди амалга тавъамон.

Келди жаллоди ажал урди танига ништарий,  
Бўлди руҳи тоййиби Фирдавс сорига равон.

ТоййабАллоҳу таоло қабраҳу мин фазлиҳи,  
Аскана руҳул азизи мукрами вастал жинон,

Бир минг ила уч юз олтмиш саккиз ҳижрий эди,  
Эй Ғарибий, ўтдилар ул саййиди олий макон.



### Офоқхонга бағишланган мувашшаҳ

Ой юзингни ҳар нафас кўрсам ражом,  
Ҳақ муяссар қилса доим субҳу шом.

Файзини тўкса дилингизга сизи,  
Олсангиз то халқ ичинда яхши ном.

Эй дилимни равшани, руҳи таним,  
Бахт бўлсин доимо сизга Гулом.

Қошу кўз янгли эрурмиз иккимиз,  
Қайси йўқдур, йўқ биринда эҳтиром.

Хуш дами улким мувофиқлик била,  
Икки кўнгил топса тоза илтиём.

Интизори мақдамингиз бўламан,  
Бир кўришда шавқимиз топмас тамом.

Номини тилга олиш бирла қалам,  
Айтадур ёз деб Ғарибийга мудом,

Бу мувашшаҳдан «Офоқхон» амакимизнинг исмлари  
чиқади (Муаллиф).



### **Рокеахонга бағишланган мувашшаҳ марсия**

Раҳмати Ҳақ қабринга бўлсин нисор,  
Қандайин ҳам дардга бўлдинг дучор.

Эшитишча кундузи беғам эдинг,  
Шоду хуррамликда эрдинг беғубор.

Кечаси бир соат ичра бе касал,  
Фавт этдинг барча қолди зор – зор.

Ақлинг эрди эр кишилардин зиёд,  
Солиҳа эрдинг Саниҳа ҳушёр.

Ҳеч ким топмас ўлимга чораи,  
Хоҳ шоҳу, хоҳ гадои хоксор.

Хайрхоҳим, ҳам дуогўйим эдинг,  
Маслаҳатдошим эдинг ҳожатбарор.

Эй хуш ул вақтики, сен эрдинг ҳаёт,  
Эмди кўрмоқ йўқ минг ўлсак интизор.

Номинги ҳарф ила билдирмоқ учун,  
Назмни қилди Ғарибий ихтиёр.

Бу мувашшаҳ марсиядан «Рокеъа» аммамизнинг  
исмлари чиқади (Муаллиф).



Саййиди Олам — пайғамбаримизнинг ҳаққи  
 ҳурмати охиратимни обод қил,  
 Оқилларга денгизу қуруқликдаги бор нарса сенинг  
 қудратинг оинасидур  
 Банданинг барча яхши — ёмон амали сенинг  
 яратишингга (тақдирингга) мансубдир  
 Агарда сени даргоҳингга лойиқ тоатим бўлмаса  
 ҳам карамингла менга боқ  
 Жон берар вақтда бошимга шайтони лаъин  
 келганида,  
 Эй Раббим, ўша лаъин чангалидан иймонимни  
 амон сақла.  
 Эй Карамли зот, ҳамма мўъминларнинг  
 оқибатининг хайрли қил.  
 Ғамгин — зору, муҳтожмен, менга мақсадлар  
 эшигин очгил.  
 Ғафлат билан ўралганман ўз лутфу караминг билан  
 яқинлик бахш эт.  
 Ўз зоти — покинг, саккиз сифатинг ҳурматидан  
 Жаннатул — маъво ичидан маконимни муяссар  
 қил.  
 Эй меҳрибон Зот, Сенинг раҳматинг умумийдир,  
 инкор этмасмен.  
 Агарчи хатокор бўлсам — да, раҳматингдан бир  
 қатрасини манга ҳам насиб қил.  
 Остонангнинг Ғарибидурман ва ожизлигимга  
 иқрорман.  
 Мен бечора Жомий мағфиратингдан умидворман,  
 Ё Раб, сен нотавон жисмимни дўзахдан йироқ қил!

*Форсийдан Абдувоҳид Самарқандий таржимаси*



### Навоий ғазалига Ғарибий мухаммаси

Тут ғанимат, бўлмағил сен вақти меҳмондин малул,  
Андағи еттан сенга андақ паришондин малул,  
Хаста бўлганлар бўлодур доғи ҳижрондин малул,  
Эй кўнгул, бу навъ ўлубман аҳли даврондин малул,  
Ким эрурмен, кимки андин яхши йўқ, андин малул.

Телбалар янгли эрурманким жаҳон нетсун мени,  
Ерға бағримни берибман осмон нетсун мени,  
Ястанурман кўйида аҳли замон нетсун мени,  
Ҳажр аро бу давр нетай мен жонни, жон нетсун мани,  
Ким эрур ҳар лаҳза мендин жон, мен жондин малул.

Ҳасратим сонсиз эрур вақтим етушмас биттали,  
Ҳайрат афзолиқдаман осон эмас беркиттали,  
Бошима душман маломатдин аламни тиккали,  
Тангри халқ этмиш мани гўё маломат чеккали,  
Бир дами йўқким эмасмен аҳли даврондин малул.

Ҳар қаю амриға иқдом айлабон азм айласанг,  
Ҳар нечук ўзини билмаслар сўзиға бўлма танг,  
Тегса ҳам тири маломат айлаб ўзни мисли санг,  
Истасанг мақсад қадам қўй таън нишидан не танг?,  
Каъба топти бўлмаган хори муғилондин малул.

Йўлда қолғонсан ҳама ортуқ кўрар сендан ўзин,  
Учрасанг сенга боқишдан ор этиб юмғай кўзин,  
Ўлтириш бўлсанг гафурмаслар сенга сўзлар сўзин,  
Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсти душманлар юзин,  
Кўрмас эрди бўлмаса сен зори ҳайрондин малул.

Бўлмағил мағмум кўргандин улусдан кўбу оз,  
Яхши қулларга маломат эшигидур боз — боз,  
Эй Ғарибий, бил ҳақиқатни йўли эрмиш мажоз,  
Эй Навоий, туз Ироқ оҳангини кўргуз Ҳижоз,  
Ким Навоий хотири бўлмиш Хуросондин малул.



### Ҳазиний ғазалига Ғарибий мухаммаси

Дилимни муниси аҳли ҳидоят қилмасам бўлмас,  
Ўзимни ходими соҳиб диroyат қилмасам бўлмас,  
Миниб ҳиммат отин тарки фароғат қилмасам бўлмас,  
Гуноҳга тавба айлаб эмди тоат қилмасам бўлмас,  
Хатою маъсиятларга надомат қилмасам бўлмас.

Эшитмай ҳақ суҳанни ўтди умрим гўш карликда,  
Тижорат суди ўрнига ҳама кони зарарликда,  
Етиб вақти қарилик қору борим бесамарликда,  
Абас ўтди йигитлик, сад дариго беҳабарликда,  
Ғаниматдур тирикликда риёзат қилмасам бўлмас.

Ётурмиз кеча – кундуз хоби ғафлат бирла бепарво,  
Гуноҳим кўп эрур йўқ тоат этмоқ ҳиммати асло,  
Негурман тоатим йўқтур табаҳ иш менда кўп аммо,  
На юз бирла борурмиз тухфасиз Ҳақ қошига фардо,  
Ҳаётим борича энди ибодат қилмасам бўлмас.

Гуноҳ бирла ўтуб умри азизим йўқ пушаймоним,  
Тошиб тавфиқу тавба бирла ўтсам йўқдур армоним,  
Тазарруъда, надоматда чиқарсам оҳу афғоним,  
Сулуқим қодирия раҳбаримдур пиру пироним,  
Саҳарлаб зарби иллолоҳни одат қилмасам бўлмас.

Жафо жонимга қилдим маъсият қайдини беркитим,  
Агарчи яхши сўзларни жаҳонда кўплаб эшитдим,  
Вале менга ҳаво голиб бўлубон онқадар кетдим,  
Юруб нафсим учун шул вақтгача тоатни тарк эттим,  
Қаноат шаҳрига бориб тижорат қилмасам бўлмас.

Баҳойимдек емоқ ичмоққа дилдур мойили лаззат,  
Бу боисдин тополмасман ибодат қилгали фурсат,  
Ётурман маъсият лойига ботиб бир неча муддат,  
Фужуру фисқу исёним халойиқлар аро шуҳрат,  
Мадина, Маккатуллоҳни зиёрат қилмасам бўлмас.

Ғарибийни ўтур умри ҳамиша безафарлиқда,  
Гуноҳи касратидин доимо хуни жигарлиқда,  
Дили қолиқ, улусни ўртасида бемақарлиқда,  
Эгосиз ит каби умрим ўтодур дарбадарлиқда,  
Ҳазиний ихтиёр энди ҳижрат қилмасам бўлмас.



Агар жумла жаҳонам ҳасм гарданд,  
Натарсам чун ниғаҳбонам ту бошӣ,  
Зи шодӣ дар ҳама олам нагунҷам,  
Агар як лаҳза ғамхорам ту бошӣ.



*Агар жумла жаҳон (халқи) душманим бўлсалар ҳам,  
Сен асрагувчим бўлсанг ҳеч нарсадан қўрқмайман,  
Агар бир лаҳза сен ғамхорим бўлсанг,  
Шодлиқдан бутун оламга сифмайман.*



### Шавқий ғазалига Ғарибий мухаммаси

Аё муслим, дилингни мазраъига қил нигоҳбонлиқ,  
Қилиб тоза ани Ҳақ зикри бирла айла деҳқонлиқ,  
Таваққуъ айла ҳалли мушкулнинг ким бўлса эҳсонлиқ,  
Умид этмоқ вафо ҳар сифладиндур айни нодонлиқ,  
Деса бўлгай топилмас аҳди ёлғонларда инсонлиқ,

Биродар собит ўлгил, ҳар қайу амрига урсанг қўл,  
Кимики бўлҳавасдур, мақсади сори тополмас йўл.  
Топаи десанг ризойи Ҳақни булдур рутбаи мақбул,  
Вафо аҳдингга айла, қавл ила феълингга содиқ бўл,  
Мунофиқлик нишонидур кишида аҳди ёлғонлиқ.

Они ёдини жоним, келса қўлдан қўймағил они,  
Гулистони сафога кимки кирди йўқдур армони,  
Ғаму шодига яксон бўлки, бундоқ бўлмаган жони,  
Бу фоний дунёдин ғамсиз кетарни йўқдир имкони,  
Бўлур ҳар кимсани таъъига боқсанг бир паршонлиқ.

Ажаб санъатки баъзи даҳр ичра баркамол ўлғай,  
Нечалар топмайин беҳбудликни поймол ўлғай,  
Ҳаводис боисидин баъзиларни қадди дол ўлғай,  
Қалам ёзган қадардин саъй ила ўтмак муҳол ўлғай,  
Нигин тутмоқ била ҳар кимса тошгайму Сулаймонлиқ?

Халиқ ўлғил Ғарибий, кўшиш эт, некони хушхудек,  
Йўлингга уқбалардур кўб, ҳам бориқ эрур мўдек,  
Ёниб қилимшларингдин тавба қил ёшинг оқиз жўдек,  
Дилингни рост тутгил зоҳиру ботинда бўл судек,  
Аё Шавқий, будир фаҳм айласанг расми мусулмонлиқ.



### Темурхон Эшон вафотига марсия

Бу жаҳонни айламанг доруссурур,  
Нўшини ортида заҳри бордур,

Даҳр бозорини савдоси учун,  
Кимки келди охири бир кун кетур.

Анбиёларни жамиъи ўтдилар,  
Қолдиларму боиси халқи зуҳур.

Яъни ул хатмур — русул кони сафо,  
Мустафоким, шофеъи явмун нушур.

Авлиёлар, асфиёлар, поклар,  
Ўлмайин қолгани бордурму гапур?

Оҳким, бу асримизни равнақи,  
Бор эдилар бир азизи кони нур.

Саййидул халқ эрдилар даври аро,  
Кимки кўрди, суҳбатин топти зуҳур.

Гулситони маърифатни булбули,  
Урватул вусқо эди динда ғойур.

Нораво айтмоқ улуғлар отини,  
Лек бўлғай баъзи аҳёнан зарур.

Тойири файз ошён пири ҳудо,  
Номи поки саййид Эшони Темур.

Бир минг ила уч юзу олтмишла бир,  
Ўтган эрдиким Худо сунъини кўр.

Рўзи панжшанба нидойи «Иржиъи»,  
Эшитиб тавъан ила рабби Ғафур.

Руҳи поки азми фирдавс айлади,  
Жумъа кун жисмин қўйинга олди гўр.

Жумлаи атрофдин келди улус,  
Таъзия тутдилар авому шуҳур.

Ҳасрато, деб кўп надомат қилдилар,  
Жамъ турган халқдин кетди шуур.

Тобутини орқасидин эргашиб,  
Очилурму деб кўзини тутди кўр.

Турбатини ким зиёрат айласа,  
Руҳи қудсиси анга баҳра берур.

Эй Ғарибий, марқадиға юзланиб,  
Мустаъин ўлсанг ионат етказур.

Шукри лиллаҳ, қолди авлоди анинг,  
Кимки мухлис бўлса осори бўлур.

Нурини сочган улусға шайхи пир,  
Дедилар таърихи «Ғилмон ила ҳур».



Қайси оқил олам ичра борму ҳеч,  
Ўз танига рахна урмас тешазан.  
Тил гуноҳи эй писар беҳад ёмон,  
Чунки ул айлар гуноҳ ҳар бир замон.

Гайбату кизбу намира барчаси,  
Тил гуноҳидур муни бил эй жувон.  
Тилни зикри Ҳаққа кимки этти ром,  
Ҳақни зикри бўлғуси анга лижом.

Бе ибo кетмоққа қўймас ҳар тараф,  
Зикри Ҳақни лозим эт Абдуссалом.  
Нафси шайтондин илоҳи бер нажот,  
Яхшилар сори учарға бер қанот!

Мен топибон яхшиларни суҳбатин,  
Хизмат айлай йўқса бўлмас яхши от.  
Раҳм қилғил баңдаларға ё Гиёс,  
Биз каби шармандаларға ё Гиёс.

Дил касал бўлдим илоҳи қил илож,  
Журму исён анга топди имтизож.



## ХУЛОСА

Ҳурматли китобхон! Мен ушбу камтарона рисо-  
солани баҳоли қудрат Аллоҳдан иноят сўраб, пада-  
ри бузрукворимиз руҳларини шод қилиш ниятида  
оқ қоғозга туширишга жазм қилдим. Менинг ёзув-  
чиликка ҳеч қандай даъвойим ҳам йўқ. Шунинг учун  
ҳам рисолада хато-камчиликлар бўлиши эҳтимол-  
дан холи эмас. Начора, ожиз бандамиз. Аллоҳнинг  
ўзи кечирсин, каминани холис тушунишингизни ил-  
тимос қиламан.

Ушбу рисолати ёзишдан мақсад шуки:

биринчиси, ота-боболаримизга насиб этмаган,  
улар қанчадан-қанча қийналиб яшаб, ҳатто қон ва  
жон бериб умид қилган бу замонларни кўргани-  
мизга шукроналик ифода қилишдан иборат.

Иккинчиси, аجدодларимиз ҳаётини ёш авлодлар-  
га асл ҳолича етказишдир.

Учинчиси, фарзандларимизга ота-боболаримиз  
ким бўлганликлари, кимнинг авлоди эканимизни  
билдириш бўлса, улардек ҳалол-покиза яшаб, дини-  
мизни маҳкам тутиб, бу йўлда ҳар қандай хатарлар-  
ни ортида қолдирган фидойи кишилар бўлганини  
кўрсатиб ўтмоқ бурчимиздир.

Тўртинчиси, қиблагоҳимиз ҳаёти бошқа уламо-  
лар ҳаёти каби қанчалик қийин аҳволда, қувғинда  
ўтганини жонли мисоллари билан ёритиб, бугунги  
хур, озод даврни қадрига етиш кераклигини ёшларга  
тушунтиришдан иборат.

Бешинчиси, рисолати ўқиган ўқувчилар қибла-  
гоҳимизнинг ибратомуз хулқу одоблари, камтарона  
ҳаёт тарзлари, насиҳат - ўғитлари, соҳиби каромат-

лари, пиру комилликлари, фарзанд тарбиясига эътиборлари, Қуръон, ҳадис ва шаръий йўллар асосида тарбиялаган муридлари ҳаётидан бир қанча ибратли жиҳатларини билиб олишади. Бунини у кишилар тамаъ ёки риё билан эмас, балки савоб ва охиратдаги жавобгарлик масъулиятини ҳис қилган ҳолда қилганлари кишини ҳайратлантиради.

Ушбу рисолада қиблагоҳимиз (Эшони Нарзуллахон)нинг қисқача ҳаёт тарзлари, сифати сийратлари, баъзи бир биродару муридларнинг у киши ҳақидаги хотиралари ҳамда қўл ёзмаларидан бир неча намуналар келтирилди. Иншооллоҳ, у кишидан қолган қўлёзмалари нашрга тайёрланмоқда, яқин вақтларда дунё юзини кўради, деган умиддамиз. Аллоҳ насиб айласин. ОМИН.

Ушбу рисола ни юзага келтиришда амалий ёрдам қилган барча биродарларимизга самимий миннатдорчилик изҳор этаман. Яна бир бор айтаманки, бу рисола ни ўқиётганда қиблагоҳимиз ҳақларига, кейин камина ҳақиға ҳам дуоингизни дариф тутмассиз, деб умид қиламан. Зеро, дўстлар ҳақиға ғойибона қилинган дуолар ижобат бўлажак! Аллоҳдан ҳидоят, тавфиқ ва нажот сўраб, фақиру ҳақир Ўроқхон (Рафийиддинхон) Ҳожи Нарзуллахон тўра (Нақшбандий) ўғиллари.



## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. К.Каттаев. Худойдоди Вали. 1995 й. 27 – бет.
2. Абу Лайс ас – Самарқандий. Танбеҳул – ғофилийн. 2000й. 103 – бет.
3. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Тошкент. 1993й. 59 – бет.
4. Султон Абу Саид Абулхайр. Риёз ус – соликин.
5. «Қуръони Карим» маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. «Тошкент Исломи Университети» нашриёти. 2001й.
6. Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1993й.
7. Абу Лайс ас – Самарқандий. Бўстон ул – Орифин. Тошкент. 1992й.
8. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул – ҳаёт). Тошкент. Янги аср авлоди. 2003й.
9. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. Янги аср авлоди. 2003й.
10. М.А.Жўшон. Исломи, тасаввуф ва ахлоқ. Тошкент. Истиқлол. 2000й.
11. М.А.Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Тошкент. 2000й

## МУНДАРИЖА

Садоқатда кечган умр .....3

Муқаддима .....9

### ХОТИРАЛАР

I-Отам ҳақида хотираларим.....12

II-Отам ҳақларида замондошлар хотиралари....36

ҒАРИБИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР.....53



Шайх Нарзуллахон (Ғарибий)  
(1908–1986й)

## Эшони Нарзуллахон (Ғарибий) нинг авлодлари



1. Ўроқхон (Рафиъиддинхон)

2. Ғиёсхон

3. Нажимхон

4. Абдуаҳадхон (1995 й. в. э.)

5. Бахтиёрхон

6. Абдувоҳидхон

7. Алишерхон

8. Абдулборихон

9. Насимхон

1. Раҳимахон

2. Тайибахон

3. Мухтабархон

4. Мухсинахон

5. Башоратхон

6. Мавжудахон

7. Тоҳирахон



Ўроқхон (Рафииддинхон) Ҳожи 1942 йилда Фориш туманининг Норвон қишлоғида туғилган. Олий тоифали табиб, кардиолог, тиббиёт фанлари номзоди. "Соғлиқни сақлаш аълочиси" унвони совриндори.

Пайариқ туманининг марказий шифохонасининг, Челак шаҳар шифохонасининг, туманлараро "Оналар — болалар" физиотерапия шифохонасининг бош врач вазифасида узлуксиз 31 йилдан бери ишлайди.

Ҳозирги кунда (1991 йилдан буён) Пайариқ туман юқумли касалликлар шифохонасининг бош врач бўлиб ишламоқда.

Пайариқ тумани даволаш муассасаларини моддий — техника базасини ривожлантириш борасида салмоқли ишларни амалга оширган. Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб қишлоқда беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1978 йил "ҚВА" (қишлоқ врачлик амбулаторияси) ни ташкил қилган ташаббускор раҳбаридир. Туманда фаол жамоатчи ва оқсоқолдир.